

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 107 (1706), 2026 йил 27 май, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



yuz.uz\_news



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Сиз, азизларни, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонлар, бутун халқимизни бугунги улуг айём — муборак Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Тинчлик, меҳр-оқибат ва саховат байрами — Ийд ал-Адха муқаддас динимиз моҳиятида мужассам бўлган эзгу гоя ва амалларни яққол ифода этган ҳолда, ҳозирги кунда мамлакатимизда инсонпарварлик руҳида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларимизнинг маъно-мазмунига уйғун ва ҳамоҳанг экани билан барчамиз учун янада азиз ва қадрли бўлиб бормоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, кўп миллатли юртимизда осойишталик, дўстлик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёрдамга муҳтож инсонлар, муҳтарам нурунийлар, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, маҳалла ва хонадонларни обод қилишга қаратилган ишларимизда Қурбон ҳайитининг эзгу анъаналари кучгайрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаш лозим.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва бой маданий қадриятларини, буоқ аллома ва мутафаккирларимизнинг илмий-маърифий меросини, ислом динининг асл моҳиятини ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги ишларимиз янги босқичга кўтарилмоқда. Буни яқинда халқимиз ва юртимиз меҳмонлари учун ўз эшикларини очган азим пойтахтимиздаги Ислам цивилизацияси маркази, Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Марғилон шаҳридаги Бурҳониддин Марғиноний илмий-маърифий ва туризм мажмуаси каби Янги Ўзбекистон мўъжизалари бўлган ноёб обидалар мисолида яққол кўриш мумкин.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги муҳим тарихий қадамлар бўлиб, улар бизни янада катта сафарбарлик билан ҳаракат қилишга даъват этади!

Хурматли дўстлар!  
Юртимизда диний эътиқод эркинлигини таъминлаш учун яратиб берилаётган қулай шароитлар туфайли

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

## КЎМИР САНОАТИДА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев кўмир саноатида бозор механизмларини жорий этиш, ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва янги инвестиция лойиҳалари юзасидан тақдимот билан танишди.

Кўмир иқтисодиёт тармоқлари, иссиқлик электр станциялари, ижтимоий муассасалар ва аҳоли эҳтиёжини таъминлашда муҳим энергия манбаларидан бири ҳисобланади. Шу боис, соҳада барқарор таъминот, маҳсулот сифати, нархлар шаффофлиги, рақобат муҳити ва экологик талабларни таъминлаш долзарб аҳамиятга эга.

Мустақилликнинг дастлабки 25 йилда кўмир қазиб чиқариш ўртача 3,1 миллион тоннадан 4 миллион тоннагача ошган бўлса, сўнгги 9 йилда ушбу кўрсаткич 10 миллион тоннага етказилди. Келгуси куз-киш мавсумида кўмир қазиб чиқариш ҳажмини 11 миллион тоннага етказиш режалаштирилган.

Бугунги кунда кўмир қазиб чиқарувчи хусусий тадбиркорлар сони 18 тага етди. 2023-2025 йилларда улар томонидан геология-қидирув ишлари кенгайтирилиб, 2,4 миллион тонна кўмир қазиб чиқарилди. Мазкур жараёнларга 117,2 миллион доллар хусусий инвестициялар йўналтирилди. Ангрэн ва Шарғун кўмирларини аралаштириш ҳисобига иссиқлик электр станцияларига 1,5 миллион тонна импорт ўрнини босувчи, ёнувчанлиги юқори бўлган маҳаллий кўмир етказилди.

Тақдимотда кўмир нархларини шакллантиришни бозор тамойилларига ўтказиш масаласи кўриб чиқилди.

➤ Давоми 2-бетда

## ҲАЙИТ — МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАРАННУМИ



Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Қалбларимизга сурур, хонадонларимизга кут-баракка, файзу футух бағишлайдиган муборак Қурбон ҳайити билан барча юртдошларимизни, бутун Ўзбекистон халқини чин қалбдан самимий муборакбод этаман.

Дунё мусулмон олами, ислом уммати ушбу қутлуг айёмни чексиз шодлик ва шукроналик билан кенг нишонламоқда. Зотан, Қурбон ҳайити ислом динидаги энг улуг ва муқаддас байрамлардан бири бўлиб, мўминлар юрагига меҳр-муҳаббат, бағрикенглик, саховат туйғуларини юксак даражада уйғотади. Шу билан бирга, байрам туфайли ижтимоий бирдамлик, миллатлараро тотувчилик, гўзал фазилатлар амалда намоён бўлади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларида: “Арафа кун, Қурбонлик кун ва ташриқ кунлари биз, аҳли исломнинг байрам кунларимиздир”, дея эътироф этганлар (Имом Насоий ривояти). Шу боис, бу муборак кунларни муносиб кутиб олиш ва нишонлаш қалбларимизга алоҳида шуқуҳ бағишлайди.

➤ Давоми 2-бетда

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Инсонпарварлик, меҳр-мурувват ва бағрикенглик каби олижаноб умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган муборак Қурбон ҳайити — Ийд ал-Адха муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли сиёсий, жамоат ва диний арбоблардан табрик мактублари келмоқда.

Хорижий ҳамкорлар ўз қутловларида Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига самимий ҳурмат-эҳтиром изҳор этиб, юртимизга тинчлик, фаровонлик ва равақ тиламоқда, виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, барқарор тараққиётга эришиш, инсон қадрини улуғлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларни юксак ҳаёлаб, дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга қатъий интилишларини таъкидламоқда.

Жумладан, куйидагилар ўз табрикларини йўлаган: Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ; Қирғиз Республикаси Президенти Саидр ЖАПАРОВ; Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ РАҲМОН; Туркменистон Президенти Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ; Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ; Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом АЛИЕВ; Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти Нурсултон НАЗАРБОВЕВ; Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип ЭРДОҒАН; Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ АС-СИСИ; Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол НАҲАҲЕИ;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол МАКТУМ; Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазири Шайх Мансур бин Зоид Ол НАҲАҲЕИ; Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири Шайх Сайф бин Зоид Ол НАҲАҲЕИ; Кувайт Давлати Амири Шайх Мишғал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-САБОҲ; Бахрайн Подшоҳи Валиаҳди Шайх Сабоҳ ал-Ҳолид ал-Ҳамад ас-САБОҲ; Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II; Умон Султони Ҳайсам бин ТОРИҚ; Бахрайн Подшоҳи Ҳамад бин Исо Ол ХАЛИФА; Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти Абдулмажид ТЕББУН; Фаластин Давлати Президенти Маҳмуд АББОС; Саудия Арабистони Подшоҳлиги давлат вазири, Вазирлар Кенгаши аъзоси Турки бин Муҳаммад бин Фаҳд бин Абдулазиз Ол САУД; Ислам ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Хусайн Иброҳим ТОҲА; Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Кубаничбек ОМУРАЛИЕВ; Кавказ мусулмонлари идораси раиси Шайхулислом Оллоҳшукур ПОШОЗОДА.

➤ Қутловлар келиши давом этмоқда.

## КИЧИК БИЗНЕС УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев кичик бизнес субъектлари ўсиши учун янада қулай иқтисодий ва маъмурий шароитлар яратишга қаратилган тақлифлар тақдими билан танишди.

Кичик бизнес иқтисодиётда бандлик, даромад ва рақобат муҳитини таъминлайдиган муҳим тармоқ ҳисобланади. Шу боис, сўнгги йилларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, солиқ юкни камайтириш ва давлат хизматларини соддалаштириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, амалдаги айрим тартиботлар бизнеснинг табиий ўсишига тўсқинлик қилмоқда. Хусусан, кичик бизнес субъектлари тушуми 1 миллиард сўмгача бўлганда соддалаштирилган солиқ режимида ишлайди. Ушбу чегарадан ошганда эса қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи тўлашга ўтади.

Мазкур чегара 2019 йилда белгиланган бўлиб, ўтган даврда нархлар сезиларли равишда ошди. Натijaда айрим тадбиркорлар 1 миллиард сўмлик чегарага яқинлашганда айланмани яшириш, чек бермаслик ёки бизнесни бир неча субъектга бўлиш амалиётига ўтмоқда.

Тақдимотда 2026 йил 1 июндан кичик бизнес учун умумий солиқ режимига ўтишдаги чегаравий миқдорни 1 миллиард сўмдан 5 миллиард сўмга ошириш тақлиф қилинди.

Шунингдек, умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари учун қўшилган қиймат со-

лиғини тўлашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш ташаббуси билдирилди. Унга кўра, тадбиркорлар ихтиёрий равишда 6 фоиз ставкада ҚҚС тўлаб, фойда солиғидан озод этилиши ёки амалдаги умумий тартибда ишлашни давом эттириши мумкин бўлади.

Бу орқали кичик бизнес учун солиқ ҳокимияти ва тўлаш жараёни соддалашади, маъмурий юк камаяди, айланмаларни яшириш ва бизнесни сунъий бўлишга рағбат пасаяди.

➤ Давоми 2-бетда

## ТРАНСПОРТ СОҲАСИДАГИ ЙИРИК ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича тақдимот билан танишди.

Транспорт инфратузилмаси иқтисодиёт тармоқларини ўзаро боғлаш, худудлар ҳудудларини тўлиқ ишга солиш, аҳоли ва бизнес учун қўлайлик яратишда муҳим ўрин тутади. Шу боис, мамлакатимизда автомобиль йўллари, авиация, логистика ва халқаро транспорт йўлакларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тақдимотда, аввало, “Тошкент — Самарқанд” муқобил автомобиль йўлини қуриш лойиҳаси кўриб чиқилди. Ушбу йўлни узунлиги 282 кило-

метр бўлиб, Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларини боғлайди. Йўл I-а тоифада, цемент-бетон қопламали, ҳар икки йўналишда учтадан ҳаракат тасмаси билан қурилади. Лойиҳавий тезлик соатига 150 километрни ташкил этади.

Лойиҳа доирасида 12 та транспорт ечими, 60 та туннелли ўтиш жойи, 91 та кўприк, 16 та йўл ўтказгич, 258 та дренаж иншооти ва интеллектуал транспорт тизимини жорий этиш кўзда тутилган. Шунингдек, 12 та терминал, йўл бўйи

инфратузилмаси ва вазн ўлчаш тизими ташкил қилинади.

Салоҳиятли инвесторлар билан музокаралар жараёнини жадаллаштириш ва қурилиш ишларини қисқа муддатларда бошлаш топширилди.

Мамлакатимизда авиация соҳасида янги экотизимни шакллантириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

➤ Давоми 2-бетда

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон — халқаро мулоқот майдони

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар Судьялар кенгашлири раҳбарларининг тўртинчи йиғилиши нафақат суд-ҳуқуқ соҳасидаги навбатдаги халқаро мулоқот, балки туркий дунё ҳуқуқий тафаккурида янги саҳифа очган, адолат, қонун устуворлиги, суд мустақиллиги ва инсон қадри каби конституциявий қадриятлар атрофида муштарак масъулиятни янада кучайтирган муҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеа бўлди. Мазкур анжуман туркий давлатлар ўртасида конституциявий назорат ва одил судлов механизмларини уйғунлаштиришда стратегик аҳамият касб этади.

Президентимизнинг Туркий давлатлар ташкилоти Судьялар кенгашлири раҳбарларининг IV йиғилиши иштирокчиларига йўлаган муносабатлари мазкур анжуманнинг сиёсий-ҳуқуқий

аҳамиятини янада юксалтириб, уни нафақат соҳавий мулоқот, балки адолатли жамият, суд мустақиллиги, қонун устуворлиги ва инсон қадри йўлида туркий давлатларнинг умумий

интилишларини ифода этувчи муҳим халқаро майдон сифатида намоён этди. Президентимиз муносабатларида ифода этилган юксак эътибор ва ишонч бугун янги Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар давлат сиёсати даражасидаги устувор йўналиш эканини, суд мустақиллиги ва одил судлов сифати эса жамият тараққиёти, инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва халқнинг давлатга ишончини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этишини яна бир бор таъкидлайди. Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 130-моддасида судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши қатъий белгилаб қўйилган ушбу ислохотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворидир.

➤ Давоми 3-бетда

## СОЛИҚ ТИЗИМИДА ЯНГИ БОСҚИЧ: НАЗОРАТДАН ҚУЛАЙЛИККА ҚАРАТИЛГАН ВАЗИФАЛАР

Президентимизнинг яқинда имзоланган “Солиқ органлари фаолиятини институционал жиҳатдан такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигида замонавий ёндашувларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда солиқ тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган муҳим сиёсий-иқтисодий ҳужжат сифатида тарихга кирмоқда. У солиқ маъмуричилигини модернизация қилиш билан бирга давлат ва солиқ тўловчи ўртасидаги ишончли муносабатларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

➤ Давоми 2-бетда

2026 йил 27 май, 107-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz\_official yuz.uz\_news yuz.uz\_news

# КИЧИК БИЗНЕС УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

ҚҚС маъмуриятчилигидаги мураккаб-ликлар ҳам таҳлил қилинди. ҚҚСга ўтган тадбиркорларда ҳисоботлар сони 2 бараварга ошмоқда. 2025 йилда ҳисоботларда хато аниқланган солиқ тўловчиларнинг 77 фоизи ҚҚС тўловчиларининг ҳиссасига тўри келган.

Шу боис, паст хавф даражасига эга тадбиркорлар учун ҚҚСнинг салбий факторини автоматик қайтариш, ҚҚС тўловчиси гувоҳномасини вақтинча тўхтатиб туриш тартибини бекор қилиш, импорт бўйича мажбурий ҚҚСга ўтиш амалиётини қайта кўриб чиқиш ва банк ҳисобрақамларини очиш жараёнини автоматлаштириш тақлиф этилди.

Кичик бизнес субъектларига нисбатан маъмурий босимни камайтириш мақсадида тадбиркорга ҳаттоларини мустақил тузиш имкониятини бериш ҳамда солиқ хавфи 500 миллион сўмгача бўлган ҳолатларда солиқ аудити, 100 миллион сўмгача бўлган эса сайёр солиқ текширувини ўтказмаслик тартибини жорий этиш тақлиф қилинди.

Умумий оқватланиш ва меҳмонхона хизматлари соҳасида ҳам бир қатор енгилликлар назарда тутилган. Жумладан, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини нақд шаклда реализация қилишга рўхсат бериш, ҚҚСнинг бир қисмини қайтаришда нақд пулсиз тушум улушига доир талабни бекор қилиш, айрим ҳолатларни соддалаштирилган тарзда расмийлаштириш тақлиф қилинди.

Ушбу чоралар 600 мингдан ортиқ кичик бизнес субъекти учун қонуний ўсиш имкониятини ошириши кутилмоқда. Солиқ базаси шаффофлаштириш ҳисобига бюджетга йилига камиди 2 триллион сўм қўшимча тушум тушиши прогноз қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу тақлифларни маъқуллаб, кичик бизнесга қўлай ва адолатли шароит яратиш, солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ҳамда рақамлаштириш орқали тадбиркорларни фаолиятини кенгайтиришга рағбатлантириш ва ишончини мустаҳкамлаш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

# ҲАЙИТ — МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАРАННУМИ



Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Бошланиши 1-бетда

Президентимизнинг шу йил 20 майдаги “Муборак Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарорига биноан бу йилги Қурбон ҳайити “Инсон қадрини, инсон бахти учун” деган эзгу гояни чуқур қарор топтиришда, инсонпарварлик, саховат, шукроналик ва бағрикенглик каби олийжаноб фазилатларни янада бойитишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда кечаётган кенг кўламли ислохотлар, янгиланишлар, диний-маърифий соҳага, миллий қадриятларни тиклашга қаратилаётган юксак эътибор юртдошларимиз қалбиди шукроналик ҳиссини янада оширмоқда.

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, жамиятда меҳроқ-қибат, саховат ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Бу хайрли тамойиллар, айниқса, халқимизга хос эзгу фазилатларни мутасаддилар муборак кунларда янада ёрқин намоян бўлмоқда.

Шу йил Рамазон ойида Президентимиз томонидан эҳтиёманд ҳамюртларимизнинг ҳаётини янада яхшилаш, минглаб кўнглиларга қўнғунчилик ҳиссини янада яхшилаш мақсадида бир триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилиб, имконияти чекланган юзлаб, минглаб беморларнинг жарроҳлик амалиётларига, уй-жойларини тиклашга, дилларини шод этишга сарфланган.

Бундай хайрли ишларнинг узвий давоми сифатида муборак Қурбон ҳайити айёми арафасида давлатимиз раҳбари эҳтиёманд аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш юзасидан янги тақдирим билан танишиб, 690 миллиард сўм ажратилишини маъқуллагани юртдошларимизни янада тўлқинлантирди.

Халқимизга кўрсатилаётган бундай тизимли ғамхўрликлар доирасида ниҳоятда улкан муруват тадбирлари амалга оширилиши режалаштирилган. Хусусан, бу маблағлар ҳисобидан оғир хасталиқларга чалинган 10 миң болада мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилади. Шунингдек, онкологик, гематологик ва онкогематологик ташхис қўйилган 2 миңдан зиёд беморни тиббий текширувдан ўтказиш, даволалаш ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш ҳамда 300 нафардан ортиқ оғир беморда жигар ва буйрак трансплантацияси амалиётини ўтказиш харажатлари тўлиқ қоплаб берилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум, шунингдек, Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган қаҳрамонларимизнинг 8 миңдан зиёд фарзанди алоҳида эътиборга олинди, уларнинг омонат ҳисобварақларига 200 АҚШ доллари миқдориди пул ўтказиб берилди.

Худудлардаги 500 та масжидда замонавий таҳоратхоналар қурилиши, таъмирланиши, қабирстонларнинг обод қилиниши ҳам ушбу эзгу ишларнинг узвий давомидир.

Аллоҳ таоло қурбон етган, молиявий имконияти бўлган мўмин-мусулмонларни Қурбон ҳайити кунини қурбонлик қилишига буюрган. Қурбонлик гўштининг муҳтожлар, етим-есирлар, кам таъминланганлар ва беморларга улаштирилиши саҳийлик, шукроналик ва жамиятда тенглик, бағрикенглик каби таъминлашга қаратилган улкан ибрат мактабидир.

Ҳа, ҳайит миңг йиллар давомида шаклланиган миллий ва диний қадриятларимиз тараннумидир. У бизни нафрат моддий, балки маънавий жиҳатдан ҳам поклайди, қалбимизда муҳаббат, инсонийлик ва меҳроқ-қибат уруғларини эккан ҳолда ҳаётга, атрофимиздаги инсонларга яхшилик назари билан қарашига ундайди.

Кейинги йилларда Ўзбекистондан ҳар йили 15 миңдан зиёд ватандошимиз муборак ҳақ сафарига бормоқда. Бу йил яна бир мисли қўрилган хайрли ташаббус амалга оширилди — Ватан ва халқ манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилган меҳнат фахрийлари, уларнинг оила аъзолари, маҳалла фаоллари, нурунийлар ҳамда кам таъминланган оилалар вакиллари билан бирга 100 нафар юртдошимиз илк бор “Президент ҳожиси” сифатида давлат томонидан ҳақ сафарига юборилди.

Президентимиз биз билан телефон орқали мулоқот қилиб, эътиборларимизнинг соғлиғи, кайфияти ва ибодатларини бажариши учун яратилган ташкилий ишлар билан шахсан қизиққани дунёда жуда ноёб ҳодиса сифатида барча ҳождаримизни чексиз даражада мамнун этди.

Бугун саудиялик мутасаддилар ҳам юртимизда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар — Имом Бухорий мажмуаси, Ислам цивилизацияси маркази, Бурҳониддин Марғиноний илмий-маърифий мажмуаси каби муаззам масканлар фойдаланишига топширилганини юқори баҳолаб, давлатимиз раҳбарининг ишларини оқшайламоқдалар.

Имом Термизий бобомиз ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: “Дуоларнинг энг яхшиси арафа кунини қилганидир”, деб хушхабар берганлар. Дуолар шаксиз ижобат бўладиган манзил — Арафот майдонидида минглаб хатми Қуръондан сўнг ўзбекистонлик 15 миң ҳожиди қилини дуога очди, аввало, яратилган шаръ-шароит ва имкониятлар учун Президентимиз, юртдошларимиз ҳақида дуолар қилди, юртимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишини Яратгандан сўради.

Давлатимиз раҳбари ҳаётда кўпни кўрган, дуоғўй ҳождаримиз юртга қайтган, ислом маърифати ва соғлом эътиқодни халқимизга, айниқса, ёшларимизга теран етказишда, маҳаллаларда меҳроқ-қибат, ҳамжихатлик ва маънавий муҳитни мустаҳкамлашда намуна бўлишига катта ишонч билдириган эди.

Ўзбекистонлик ҳождар ушбу эъзов ва хурматга жавобан юртга қайтганларидан кейин “Маънавият тарғиботчиси” сифатида янги ва хайрли ташаббусларини изчил амалга оширишини ўз олдларига мақсад қилиб қўйдилар. Ёшларни илм эгаллашга, касб-хўнар ўрганишга даъват этиб, ўғил-қизларимизни она Ватанга садоқатли, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга бор куч-гайратларини сафарбар этадилар, ин-шааллоҳ.

Ушбу муборак кунларда қалбларимиздан гина-қудуратларини чиқариб ташлаш, аразлашган, ўзаро узоқлашган дўст-бирдорлар, қариндош-уруғлар билан кучоқ очиб ярашиш, силан раҳм қилиш динимизнинг гўзал тавсияларидандир. Нуруний отахон ва онахонларимиз, бемор ва ёлғиз кексаларни зиёрат қилиш, уларнинг дуоларини олиш хонадонларимизга, бутун юртимизга қутбароқ олиб келади.

Сиз азизларни улуг айём — Қурбон ҳайити билан яна бир бор муборакбод этаман. Ҳақ таоло барчамизга диний ва миллий қадриятларимизга мувофиқ ҳаёт кечиришни насиб айласин! Ибодатларимиз, қурбонликларимиз ва ҳолис хайр-эхсонларни Ўз даргоҳида ҳусни қабул айласин. Юртимизни тинч, осмонимизни мусаффо, ризқимизни мўл-кўл, халқимизни ҳамийша саодатли қилсин!

Мақка мукаррама

# КЎМИР САНОАТИДА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Амалдаги тартибда нархларни маъмурий белгилаш ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий барқарорлигига, янги инвестиция киритиш ва қазиб чиқариш ҳажмини ошириш имкониятларига таъсир кўрсатаётгани қайд этилди.

Шу муносабат билан 2026 йил 1 июндан бошлаб кўмир нархларини давлат томонидан белгилаш амалиётини бекор қилиш ҳамда кўмирни давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятли товарлар стратегик турлари рўйхатидан чиқариш тақлиф қилинди. Бунда кўмир нархи талаб ва тақлиф асосида шаклланди, истеъмолчиларга биржа савдолари орқали сотилади.

Ушбу ёндашув соҳада очик рақобат муҳитини яратиш, барча иштирокчилар учун тенг шароит таъминлаш, ишлаб чиқарувчиларни қўшимча ҳажм ва сифат учун рағбатлантиришга хизмат қилади. Иссиқлик электр станциялари ва йирик истеъмолчилар кўмирни “тақлиф сўрови” тартиби асосида, ҳисобот давридаги ўртача биржа нархларига ҳарид қилиши мумкин бўлади.

Аҳоли ва бюджет муассасаларини кўмир билан барқарор таъминлаш учун алоҳида механизм жорий этилади. Кўмир қазиб чиқарувчилар маҳсулотни биржа савдоларида алоҳида савдо майдончаси орқали етказиб бериш тартибларига сотади. Тадбиркорлар оғир оғир, техникалари ва солиқ рейтингини ками мезонлар асосида электрон тизим орқали танланади.

Республика бўйича аҳоли ва бюджет ташкилотларига етказиб бериладиган кўмир нархлари ўртасидаги тафовутни баргараф этиш мақсадида темир йўлда ташини ягона тариф асосида амалга оширилади. “Кўмир таъминот” масъулияти чекланган жамияти фаолияти тугатилиб, худудлардаги 96 та кўмир омбори ва техникалар аукцион савдолари орқали сотилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламни қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Мусоal.uz портали орқали кўмир сотиб олган Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга жорий йил июнь-декабрь ойларида 600 миң сўмгача бир маргалик моддий ёрдам ажратилади. Бу чора бозор механизмларига ўтиш шароитида эҳтиёманд оилаларни манзилли ҳимоя қилишга қаратилган.

Импортер кўмир сифати ва экологик хавфсизлиги бўйича ҳам янги талаблар белгиланади. Республика худудига олиб кириладиган кўмирнинг олтингунтур миқдори, калорияси ва бошқа кўрсаткичларига талаблар ишлаб чиқилади. Белгиланган экологик ва сифат талабларига жавоб бермайдиган импорт кўмирдан республика худудига фойдаланиш ва уни сотиш тақиқланади. Келгусида кўмир импорти фақат темир йўл орқали амалга оширилади.

Тақдиримда Нишбош кўмир конини ўзлаштириш инвестиция лойиҳаси ҳақида ҳам ахборот берилади. Ушбу лойиҳани умумий захираси 233 миллион тонна, йилги қазиб чиқариш қуввати 10 миллион тоннани ташкил этади. Қиймати 494 миллион доллар бўлган лойиҳа доирасида 880 та янги иш ўрни яратилади.

Шунингдек, ушбу кон негизда умумий қуввати 1,4 гигаваат бўлган янги иссиқлик электр станциясини қуриш тақлиф қилинди. Лойиҳага кўра, 1,3 миллиард доллар инвестиция жалб қилиниб, ҳар бири 350 мегаватт қувватга эга 4 та энергоблок ультра юқори критик технологиялар асосида қурилади.

Қурилиш даврида 1500 та, лойиҳа тўлиқ ишга тушгач, 310 та янги иш ўрни яратилади. Станция йилига ўртача 9,8 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариши, 2 миллиард куб метр табиий газни тежаб имконияти бериши кутилмоқда.

Шунингдек, тақдиримда тоғ-кон санаятида маҳаллийлаштириш ва санаят кооперациясини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Хорижий инвестиция лойиҳаларида маҳаллий маҳсулотлар улушини ошириш, йирик комбинатлар ва тармоқ корхоналари эҳтиёлларини бирлаштириш, узоқ муддатли шартномалар асосида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш муҳимлиги қайд этилди.

Тақдиримда кўра, тоғ-кон санаятида импорт ўрнини босиш салоҳиятини 2,1 миллиард долларга етказиш имкониятини мавжуд. Бу, аввало, техника, эҳтиёт қисмлар, кимёвий реагентлар ва йирик аргументлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига таъминланади.

Шу муносабат билан 2027-2030 йилларга мўлжалланган тоғ-кон санаятида маҳаллийлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш топширилди.

Давлатимиз раҳбари тақлифларни маъқуллаб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

# ТРАНСПОРТ СОҲАСИДАГИ ЙИРИК ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, худудлардаги 7 та халқаро аэропорт замон талаблари асосида реконструкция қилинмапти. Мўйноқ, Кўкон, Зомин, Шахрисабз, Сариев, Сўх туманларида янги аэропортлар барпо этилиб, уларнинг сони 18 тага етказилди.

Хусусан, Навоий халқаро аэропорти фаолиятини лойиҳавий бошқарув тамойиллари асосида ташкил этиш, унинг тижорат мустақиллигини ошириш ишлари олиб борилмоқда. Унга маҳаллий ва хорижий авиакомпаниялар билан йўловчи ва юк ташини, транзит ҳамда техник қўнғунлар бўйича мустақил музокара олиб бориш ва шартномалар тузиш ҳуқуқи берилган.

2030 йилга бориб, аэропортда парвозлар сони 2,3 баробарга ошириб, йилига 7 миңга, йўловчи ташини ҳажмини 150 миң нафарга, юк ташини эса 45 миң тоннага етказиш кўзда тутилган. Шунингдек, аэропорт худудига ҳаво кемаларига техник ва тижорат

хизматлари кўрсатишга ихтисослашган “порт-франк” эркин зонаси ташкил этилади.

Тақдиримда Янги Тошкент халқаро аэропорти қуриш лойиҳаси кўриб чиқилди. Аэропорт йилига 20 миллион йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади. Йўловчи терминали майдони 208,4 миң квадрат метрни ташкил этиб, 169 та ҳаво кемаси тураргоҳи, ҳар бири 4 километрдан бўлган 2 та учини-қўнғун йўлига барпо этилади.

Хозирга қадар халқаро молия институтлари талаблари асосида экологик ва ижтимоий таъсирини баҳолаш ишлари ўтказилди. Лойиҳа худудига канал, коллектор ва электр тармоқларини қўйиш ишлари бошланган. Айни пайтда лойиҳа ва пуарат ташкилотлари билан музокара олиб борилмоқда.

Фуқаро авиацияси корхоналарини авиация билан таъминлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Аэропортлардаги ёқилғи қўйиш мажмуаларининг умумий сийғими 49 миң тоннани ташкил этади. 2030 йилга қадар маҳаллий авиаё-

қилғи ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 600 миң тоннага, авиаёқилғи сақлаш қувватларини эса 80 миң тоннага етказиш режалаштирилган. Бу мақсадда Навоий, Андижон, Бухоро, Урганч ва Янги Тошкент халқаро аэропортларида янги сақлаш қувватлари барпо этилади.

Ёқилғини сақлаш ва қўйиш жараёнларини халқаро стандартларга босқичма-босқич ўтказиш зарурлиги қайд этилди. Ёқилғи қўйиш мажмуаларини бошқариш жараёнлари жорий йилда тўлиқ рақамлаштирилиши, аэропортлар ёқилғи қўйиш мажмуалари фаолиятини технология жараёнлар талабларига риоя этилиши устуян тизимли давлат назорати ўрнатилиши белгилади.

Давлатимиз раҳбари транспорт инфратузилмасини ривожлантиришда лойиҳаларнинг иқтисодий самардорлиги, қурилиш сифати, хавфсизлик талаблари ва аҳоли учун қўлайлик асосий мезон бўлиши зарурлигини таъкидлади ҳамда тегишли кўрсатмалар берди.

ЎЗА

# ЭЪТИБОРДАН БЕҲАД МАМНУНИМИЗ

## Шукрона

Қизим Садияхон Авазова икки ярим ёшда. Унга шифокорлар қўл-оёқ бармоқларининг ривожланган ортида қолиши ташхисини қўйган эди.

Албатта, фарзанднинг хасталиги ота-она учун жуда оғир ҳолат. Шу кунга қадар ушбу касалликка қарши курашиб келяпмиз. Лекин бу турдаги хасталик мураккаб жарроҳлик амалиётини талаб қиларкан. Шунинг учун боши берк кўчага кириб қолгандек эдик гўё.

Шукр, Қурбон ҳайити арафасида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан маъсул рақиб қўнғун қилиб, қизимда жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун тиббий ваучер берилганини айтди. Бундан бичрачиз жуда хурсанд бўлдик. Қувончимиз чексиз. Эътибордан четда эмаслигини учун Президентимиздан ниҳоятда миннатдоримиз. Қурбон ҳайити арафасида бу ваучер оиламизга катта туҳфа бўлди.

Қизимни соғлом ҳаётга қайтариш учун жуда кўп ҳаракат қилдик ва имкониятлар

изладик. Бу туҳфа орзумизнинг амалга оширишга имконият эшикларини очди. Шу йил 26 май кунини Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилояти филиалида мутахассислар кўригидан ўтдик. Жарроҳлик амалиётини учун зарур текширувлар ўтказилди. Барча лаборатория таҳлиллари ижобий чиқди. Шундан сўнг жарроҳлик амалиётига киришилди. Қизимнинг соғлом ҳаётга қайтишига ишончимиз орди. Муложага учун зарур барча дори-дармон бепул экан.

Тўғриси, хурсандлигимни сўз билан ифодалашга оқиман. Чунки қизим соғайиш арафасида. Энди оилавий ташвишимиз арийдик, мушкулларимиз осон бўлади. Шундай қилиб, Қурбон ҳайитини қўшалок байрам сифатида кутиб олдик.

Ота-она учун фарзандларнинг соғлиқдан ортиқ бахт йўқ. Буни ўзимда ҳақ қилдим. Халқимизнинг меҳроқ-қибат, эъзу хурмат ва ҳамжихатлик сингари эзгу фазилатларининг амалда гувоҳи бўлдим. Бунинг учун давлатимиз раҳбари ва тиббиёт муассасасидаги жонқур шифокорларга раҳмат айтаман.

Тури хасталиқларга қарши узоқ йиллар курашиб келаятган инсонлар ҳақлиқлиқ шикоятчи аҳволда бўлса керак. Шундай саховатли халқимиз борлиги ва тинч Ватанда ашаётганимизга шукр қиламиз. Фарзандим соғлом ҳаётга қайтса, албатта, эл қорига ярайдиган муносиб авлод қилиб тарбияланиман.

Нигора ИСАЕВА  
Навоий шаҳри

# Шарҳ

# НАЗОРАТДАН ҚУЛАЙЛИККА ҚАРАТИЛГАН ВАЗИФАЛАР

Бошланиши 1-бетда

Бугун жаҳон иқтисодиётида рақобат қулайлиги, давлат бошқарувида очиклик ва шаффофлик асосий мезонга айланиб бораётган бир шароитда солиқ тизимини ислоҳ қилиш ҳар қандай мамлакат тараққиётининг муҳим омилidir. Ўзбекистонда ҳам солиқ соҳасида кенг қамровли ислохотлар ўтказилиб, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, яширин иқтисодиётни қисқартриш ва адолатли солиқ муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур фармон ана шу ислохотларнинг мантйқий давоми бўлиб, солиқ тизимини халқчил, рақамли ва самарали тизимга айлантириш мақсад қилинган. Хусусан, 2030 йилга қадар Жаҳон банкнинг “Business Ready” рейтингига солиқ йўналиши бўйича биринчи даражада чиқиш вазифасининг белгилааниш мамлакатимиз одига қўйилган улкан стратегик мақсадлардан. Бу Ўзбекистон иқтисодиё-

тининг халқаро майдонда рақобатбардошлигини янада оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, солиқларни ихтиёрий тўлаш улушини 98 фоизга етказиш белгилангани ҳам давлатнинг солиқ тўловчиларга нисбатан ишонч ва ҳамкорлик тамойилни кучайтираётганини кўрсатади. Илгари асосий эътибор назорат ва жазога қаратилган бўлса, энди профилактика, тушунтириш ва қўлай хизматлар орқали солиқ интизомини таъминлаш устувор вазифага айланмоқда. Бу халқимизнинг солиқ тизимига ишонч ортиб, соҳада инсон манфаати ва адолат мезонлари кучайиб бораётганини аналтади.

Фармондаги энг муҳим жиҳатлардан бири рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларининг солиқ маъмуриятчилигига кенг жорий этилишидир. Энди солиқ органлари фаолияти замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил қилиниб, инсон омилини камайтириш орқали коррупция ва ортықча бюрократиянинг олди олинади. Айниқса, “Compliance Risk Management” тизимининг



Тўрабек ТўРАЕВ,  
Солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи

такомиллаштирилиши тадбиркорлар учун соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.

Хуқуқий-меъёрий ҳужжат доирасида хавфларни тоналлаш ҳамда хавфларни кўриб чиқиш (Risk Review) ахборот тизимларининг жорий этилиши солиқ маъмуриятчилигида мутлақо янги ёндашуви шакллантиради. Мазкур тизимлар солиқ тўловчилар фаолиятини эҳтимолий хавфларнинг олдини олади. Хуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва профилактика чораларини кучайтиришда катта аҳамиятга эга. Энг муҳими, бу механизм орқали инсонлиги ва қонунга итоаткор тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, солиқ назоратини эса адолат ва шаффофлик тамойиллари асосида ташкил этиш имконияти янада кенгайди.

Шунингдек, янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига дастлабки олти ой давомида ҳисобот юбориш қизмати бепул кўрсатилиши давлатнинг бизнесни қўллаб-қувватлаш сиёсати янада ошганини кўрсатади. Бу каби енгилликлар тадбиркорлар учун катта имоният бўлиб, янги бизнес субъектларининг иқтисодиётдаги фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Фармонда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш учун “мижозларга йўналтирилганлик индекси” жорий этилиши ҳам аҳоли ва тадбиркорларнинг фикри давлат учун катта аҳамият касб этаётганини аналтади. Энди солиқ органлари фаолиятига баҳо беришда фақат статистик кўрсаткичлар эмас, балки фуқароларнинг

Ўзбекистон – халқаро мулоқот майдони

Янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тараққиёти ва халқаро ҳамкорлик



Мирзо-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Бошланиши 1-бегда

Анжуманнинг қадимий Самарқанд зами-нида ўтказилгани ҳам чуқур рамзий маънога эга. Самарқанд бу — шунчаки тарихий шаҳар эмас. У асрлар давомида илм, маърифат, давлатчилик тафаккури, бағрикенглик ва халқлар ўртасидаги мулоқот маркази бўлиб келган улуг маскандир. Бугун эса Самарқанд янги Ўзбекистоннинг очиқ ташқи сиёсати, халқаро ташаббускорлиги, туркий давлатлар ва нуфузли туркий ташкилотлар билан ҳуқуқий ҳамкорлиги ҳамда адолатли жамият бар-по этишга қаратилган эзгу интилишларининг ёрқин ифодасига айланмоқда.

Туркия, Озарбайжон, Қозғистон ва Қир-ғизистон Судьялар кенгашлари раҳбарлари бошчилигидаги делегациялар, шунингдек, Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби иштирок этгани тадбирнинг халқаро нуфузи ва амалий аҳамиятини янада оширди. Мулоқот давомида хорижий меҳмонлар янги Ўзбекистонда Президентимиз раҳбарлигидаги кенг қўламли ислохотлар, хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги янгиланишлар, қонун устуворлигини таъминлаш, суд мустақиллигини мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги изчил сазой-ҳаракатларни юксак эътироф этди.

Шу билан бирга, хорижий делегациялар Самарқанд шаҳридаги бунёдкорлик ишлари, тарихий ва маънавий меросни асраб-авайлаш билан замонавий тараққиёт уйғунлаштирилганлигини алоҳида мамну-ният билан таъкидлади. Айниқса, Имом Бухорий мажмуаси ва “Боқий шаҳар” каби ноёб масканлар меҳмонларда катта таассурот қолдириб, янги Ўзбекистонда миллий мерос, маърифат, замонавий шаҳарсозлик ва халқаро меҳмондўстлик маданияти юк-сақ даражада намоён бўлаётганини яққол кўрсатди.

Бу эътирофлар шундан далолат беради-ки, янги Ўзбекистондаги ислохотлар бугун мамлакатимиз ички тараққиётининг му-ҳим омили бўлиб қолмай, халқаро ҳуқуқий ҳамжамият, туркий давлатлар ва нуфузли ташкилотлар томонидан ҳам катта қизи-қиш ва ҳурмат билан қабул қилинмоқда. Зеро, ислохотнинг энг катта кучи унинг инсон ҳаётида, жамият тафаккурида ва халқаро майдонда уйғотган ишончи билан ўлчанади.

Давлат қудратининг асоси

Бугунги дунёда давлатларнинг нуфузи фа-қат иқтисодий кўрсаткичлар, геосиёсий им-кониятлар ёки ташқи сиёсий фаоллик билан ўлчанмайди. Ҳар бир давлатнинг ҳақиқий қудрати, аввало, унинг қонун устуворлигида садоқати, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш салоҳияти, суд ҳокимияти мустақилли-гини таъминлаш даражаси ва адолатли ҳаётда амалий қадриятга айлантира олиши билан белгиланади. Чунки адолат бор жойда ишонч бўлади, ишонч бор жойда барқарорлик юзага келади. Барқарорлик бор жойда эса тарақ-қиёт, фаровонлик ва инсоннинг эртанги кун-га умиди мустаҳкамланади. Конституциявий суд фаолиятининг моҳияти ҳам айнан давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувоза-натни сақлаш ва қабул қилинаётган норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш орқали ушбу барқарорликни ҳуқуқий жиҳатдан кафола-тлашдан иборат.

Президентимиз раҳбарлигида янги Ўз-бекистон ўз тараққиётининг мулақо янги, мазмунан теран ва тарихий босқинига қадам қўйди. Бугун мамлакатимиз очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсати орқали халқаро май-донда ишончли ҳамкор, ташаббускор давлат ва минтақавий мулоқот маркази сифатида тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Энг му-ҳими, давлат сиёсатининг марказига умумий шиорлар эмас, балки инсон, унинг қадри, ҳуқуқлари, эркинликлари ва адолатга бўлган ишончи қўйилмоқда.

Янги Ўзбекистон ислохотларининг энг муҳим фалсафаси ҳам шунда: давлат инсон учун хизмат қилиши, қонун инсонни ҳимоя қилиши, суд эса инсон учун адолатни амалда қарор топтириши керак. Бу оддий гоя эмас. Бу бугунги миллий тараққиётимизнинг маъ-навий-сиёсий таянчи, ҳуқуқий давлат қуриш

йўлидаги энг муҳим мезон, халқчил ислохот-ларнинг ҳаётий мазмунидир. Шу маънода, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар янги Ўз-бекистондаги янгиланишларнинг стратегик йўналишларидан бирига айланди. Зеро, судга ишонч давлатга ишончдир, қонунга ишонч келажакка ишончдир, инсонга ишонч эса жамиятнинг маънавий бирлиги, сиёсий бар-қарорлиги ва тараққиётга ишончининг энг мустаҳкам асосидир.

Бугун мамлакатимизда суд ҳокимия-ти мустақиллигини таъминлаш, судьялар дахлсизлигини кафолатлаш, суд ишларини юриштида очиқлик ва шаффофликни кучай-тириш, фуқароларнинг одил судловга ишон-чини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу жараёнда суд мус-тақиллиги фақат ҳуқуқий норма сифатида эмас, балки демократик давлатчиликнинг ҳаётий шарты, инсон ҳуқуқларининг энг му-ҳим кафолати ва жамиятда адолатни таъмин-лашнинг бош механизми сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу механизмнинг узлуксиз ишлашида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар-нинг конституциявийлигини назорат қилувчи Конституциявий суднинг роли муҳим.

Глобаллашув шароитида конституциявий одил судлов

Бугунги глобал давр суд ҳокимияти ол-дига мулақо янги талабларни қўймоқда. Рақамлаштириш, сунъий интеллект, транс-чегаравий муносабатлар, глобал ҳуқуқий жараёнлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қи-лишнинг янги мезонлари суд тизимида яна-да юқори маъсулият, чуқур билим, ҳолислик ва замонавий ёндашувлари талаб этмоқда. Бундай шароитда суд ҳокимияти фақат ни-золарни ҳал этувчи тизим эмас. У Конституция ва қонун устуворлигини таъминловчи, инсон ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилувчи, давлат ва жамият ўртасида ишончли мустаҳкамлов-чи муҳим конституциявий ҳокимият тармо-қидир.

Конституциявий нуқтани назардан қара-ганда, суд мустақиллиги масаласи фақат суд тизимининг ички ташкилий масаласи эмас. У Конституция устуворлиги, инсон ҳуқуқла-рининг реал ҳимояси, давлат ҳокимияти тар-моқлари ўртасидаги ҳуқуқий мувозанат ва жамиятнинг қонунга бўлган ишончи билан бевосита боғлиқ стратегик масалалардир. Суд мустақиллиги қанчалик мустаҳкам бўлса, Конституция устуворлиги шунчалик ҳаётий



бўлади. Конституция устуворлиги ҳаётий бўлса, инсон ҳуқуқлари шунчалик ишончли ҳимоя қилинади.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда ин-сон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини одил қад-рият сифатида мустаҳкамлангани барча со-ҳалардаги ислохотларга, хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришларга чуқур консти-туциявий мазмун бағишланмоқда. Бу янги дав-рининг янги ҳуқуқий руҳи, инсон қадрини юк-салтиришга қаратилган давлат сиёсатининг олий ифодасидир.

Шу ўринда буюк аждодларимиз меросига мурожаат қилиш ҳам табиий. Чунки адолат, қонунга ҳурмат, давлат ва жамият ўртасидаги ишонч ғоялари халқимиз давлатчилик тафак-курида азалдан марказий ўрин эгаллаб кел-ган. Миллий давлатчилик тарихимизда адо-лат давлатнинг беага эмас, унинг қудрати ва барқарорлигини таъминловчи асос сифатида қаралган.

Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий ўзи-нинг фозил жамият ҳақидаги қарашларида давлатни фақат ҳокимият воситаси сифати-да эмас, балки инсон камолоти, маънавий етуқлик ва умумий фаровонликка хизмат қиладиган ижтимоий тизим сифатида талқин этган. Форобий таълимотида жамиятнинг барқарорлиги билан, ахлоқ, адолат ва оқило-на бошқарув билан чамбарчас боғлиқ. Бугун-ги суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳам айнан шу маъ-нода инсон камолоти, ҳуқуқий оин, қонунга ҳурмат ва адолатли бошқарув маданиятини шакллантиради.

Бу жиҳатдан қараганда, янги Ўзбеки-стондаги суд-ҳуқуқ ислохотлари замонавий ҳуқуқий эҳтиёжлар билан бирга халқимиз давлатчилик меросидаги энг эзгу ғояларнинг амалий давомидир. Фозил жамият ҳақида-ги қарашлар бугун адолатли жамият, инсон



қадри, ҳуқуқий давлат ва қонун устуворлиги тушунчалари орқали янги тарихий мазмун касб этмоқда. Конституциявий суд фаолияти эса ушбу тарихий аъёнларни замонавий конституционализм принциплари билан уй-ғунлаштириш орқали фуқароларнинг консти-туциявий ҳуқуқлари дахлсизлигини кафола-тлашга хизмат қилади.

Судьялар кенгашлари ва суд ҳокимияти мустақиллигининг амалий кафолатлари

Самарқанддаги нуфузли халқаро анжуман-нинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш-да Судьялар кенгашлари институтининг ў-рини янада равшан кўрсатди. Бундай тузил-малар замонавий ҳуқуқий давлатда судьялар корпусини шакллантириш, судьяларни тан-лаш ва лавозимга тайинлашда ҳолисликни таъминлаш, судьялик касбининг нуфузини бевосита боғлиқ стратегик масалалардир. Суд мустақиллиги қанчалик мустаҳкам бўлса, Конституция устуворлиги шунчалик ҳаётий

тенг ҳуқуқий шериклик ва амалий ҳамкор-лик муҳити янада мустаҳкамланётганини кўрсатади.

Рақамлаштириш ва инновациялар афзаллиги

Туркий давлатларни умумий тарих, муштарак тил, маданият, маънавий яқин-лик ва эзгу аъёнлар бирлаштириб туради. Бироқ бугунги даврда бизни фақат тарихий хотира эмас, балки келажак учун умумий маъсулият ҳам бирлаштирмоқда. Туркий дунёда ҳамкорлик эндиликда фақат мада-ний-маънавий яқинлик билан чекланмай, рақамлаштириш, сунъий интеллект, ақли-ли бошқарув, инновацион ривожланиш ва инсон манфаатлари хизмат қилувчи рақам-ли ечимлар каби замонавий тараққиёт йўналишлари билан узвий боғланмоқда. Бу борада Президентимиз раҳбарлигида янги Ўзбекистондаги ислохотлар ҳам умумий тараққиёт руҳи билан тўла ҳамоҳангдир. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини янада такомиллаштириш ва замонавий рақамли технологияларни жорий этишга доир чо-ра-тадбирлар тўғрисида”ги фармони Консти-туциявий суд фаолиятини замонавий тала-блар асосида ривожлантириш, рақамли технологиялар ҳамда сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланиш, суд фаолиятини очиқлиги, тезкорлиги ва натижадорлигини ошириш йўлида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур фармон доирасида Конституция-вий суд фаолияти самардорлигини ошириш, конституциявий одил судловга эришиш им-кониятларини кенгайтириш, конституциявий суд ишларини юришти жараёнини рақамлаш-тириш, шунингдек, зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар ва замонавий инфратузилмани шакллантириш масалалари белгиланган давлатимиз раҳбарининг суд-ҳуқуқ соҳасини, хусусан, конституциявий одил судлов тиз-imini янги тараққиёт босқинига олиб чиқиш борасидаги қатъий сиёсий иродасини яққол намоён этди.

Фармоннинг аҳамияти шундаки, у Консти-туциявий судни фақат конституциявий на-зорат органи сифатида эмас, балки рақамли даврда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш-нинг замонавий конституциявий қаулақ институт сифатида янада фаоллаштиришга хизмат қилади. Демак, янги Ўзбекистонда конституциявий одил судлов замонавий те-хнологик тараққиёт билан уйғунлашмоқда, суд тизими эса инсон манфаатларига янада яқинлашмоқда. Бундан ташқари, Конститу-циявий суд амалиётига сунъий интеллект элементларининг жорий этилиши норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституция-вийлигини текширишда таҳлил тезкорлиги ва юқори аниқликни таъминлаш имконини бермоқда.

Судьялик одоби принциплари

Судьялик одоби масаласи ҳам ҳар бир ҳуқуқий давлат учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки судья одоби фақат касбий ҳуқ-қатвор қондалари эмас. Бу судьянинг жамият олдидаги маъсулияти, унинг ҳолислиги, вазминлиги, поклиги, инсон тақдирига ҳур-мати ва адолатга садоқатини ифода этувчи муҳим маънавий-ҳуқуқий мезондир. Судья-нинг билими, тажрибаси ва ҳуқуқий та-факкури қанчалик юқори бўлмасин, унинг фаолиятида ҳолислик, поклик, маъсулият, инсон тақдирига ҳурмат ва қонунга садоқат бўлмаса, одил судловнинг ҳақиқий мазмуни тўлиқ намоён бўлмайди. Шу боис, судьялик одоби, судья мустақиллиги ва одил судлов сифати бир-бирдан ажралмас тушунча-лардир. Бу уч мезон уйғун бўлган жой-да судга ишонч мустаҳкам бўлади, қонун устуворлиги таъминланади, инсон қадри




амалда рўбега чиқади. Самарқанд мулоқо-ти айнан шу муҳим ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади. Дарҳақиқат, Самарқандда бўлиб ўтган мазкур нуфузли йиғилиш якунида бўйича Судьялар одобининг умумий принциплари тўғрисидаги ўзаро аниқлашув меморандуми қа-бул қилинган анжуманнинг амалий аҳамия-тини янада оширди. Ушбу ҳужжатда туркий давлатларнинг миллий ҳуқуқий аъёнлари, судьялик касбининг юксак мақоми ва халқаро стандартлар инobatта олинган ҳолда судьялар-нинг ҳулқ-атвор мезонлари белгиланган, энг аввало, суд ҳокимиятига бўлган жамоатчилик ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу меморандум туркий давлатлар суд-ҳуқуқ ҳамкорлиги фақат тажриба алмашиш ёки рас-мий мулоқот билан чекланиб қолмаётганини, аксинча, адолат, ҳолислик, поклик, маъсу-лият ва инсон тақдирига ҳурмат каби умумий қадриятларни амалий ҳужжатлар орқали мустаҳкамлаш босқинига кўтарилаётганини яққол намоён этди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳам ўз қарорларида доимий равишда судьялар мустақиллиги ҳам-да одоб-ахлоқ қондаларига қатъий риоя қи-линиши одил судловнинг ажралмас элементи эканлигига эътибор қаратиб келади.

Умумий интилишлар ифодаси

Ўзбекистон Республикаси Конституция-вий судининг туркий дунё конституциявий юрисдикциялари билан ҳамкорлиги ҳам из-чил ва мазмунан бойиб бормоқда. Туркий дунё конституциявий юрисдикциялари кон-ференцияси — ТУРК-АЙ туркий давлатлар конституциявий одил судлови тарихида му-ҳим воқеа бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ушбу тузилманинг таъ-сисчи аъзоларидан бири ҳисобланади.

ТУРК-АЙ доирасидаги ҳамкорлик консти-туциявий назорат соҳасида илгор тажриба-ларни ўрганиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликла-рини ишончли ҳимоя қилиш, конституциявий қонунлиқни мустаҳкамлаш ҳамда туркий



давлатлар ўртасида умумий ҳуқуқий тафак-кур ва ўзаро ишонч муҳитини ривожлан-тириш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилмоқда. Бу платформа туркий давлатлар конституциявий юрисдикциялари ўртасидаги ҳамкорликни мазмунан бойитиш, илгор ҳуқу-қий тажрибаларни ўрганиш ва конституция-вий одил судловнинг умумий қадриятларини мустаҳкамлашга муҳим аҳамиятга эга.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Осиё Консти-туциявий судлари ва эквивалент институтилари ассоциациясига раислик қилаётгани янги Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқий майдон-даги нуфузи, ташаббускорлиги ва консти-туциявий ислохотлар борасидаги амалий натижаларига берилган юксак эътирофдир. Мазкур Ассоциация 22 та давлатнинг кон-ституциявий юрисдикция органларини бир-лаштирган нуфузли тузилма сифатида Осиё минтақасида конституциявий одил судлов, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, суд мустақиллиги

ва қонун устуворлиги соҳаларида амалий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қил-моқда. Ушбу раислик, аввало, Президентим-из раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган инсон қадри, Конституция устуворлиги ва адолатли жамият ғояларига асосланган ислохотларни Осиё миқёсида кенг намоён этиш, шунингдек, Ўзбеки-стоннинг ҳуқуқий давлатчилик соҳасидаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу раислик Ўзбекистон учун фа-қат халқаро мақом ёки ташкилий маъсулият эмас. Бу мамлакатимизда кечаётган консти-туциявий ислохотларнинг халқаро эътиро-фи, янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат-чилик соҳасидаги юксалаётган салоҳияти ва Конституциявий суднинг минтақавий ҳамда қитъавий ҳуқуқий мулоқотдаги фаол ўрни-нинг амалий тасдиғидир.

Айниқса, жорий йил октябрь ойида ўтқа-зилиши режалаштирилган Осиё Конститу-циявий судлари ва эквивалент институтилари ассоциациясининг VII Конгресси доира-сида рақамлаштириш ва сунъий интеллект шароитида конституциявий адолат, судья мустақиллиги, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлашнинг замонавий конституциявий кафолатлари каби долзарб масалаларни муҳокама қилиш назарда тутил-гани мамлакатимиз Конституциявий суди-нинг халқаро ҳуқуқий мулоқотдаги фаол ў-рини яна бир бор тасдиқлади. Бу Конгресс нафақат навбатдаги халқаро тадбир, балки янги Ўзбекистоннинг конституциявий исло-хотлар борасидаги амалий натижаларини, рақамли даврда одил судловга ёндашувини ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги за-монавий қарашларини халқаро майдонда на-моён этилган муҳим сиёсий-ҳуқуқий плат-форма бўлади.

Шу нуқтани назардан, Самарқандда бўлиб ўтган анжуман, ТУРК-АЙ доирасидаги ҳам-корлик, Осиё Конституциявий судлари ва эквивалент институтилари ассоциациясидаги раислик ва VII Конгрессга таъйёрлик ягона мантиқий занжирни ташкил этади. Бу зан-жирнинг марказида эса инсон учун адолат, Конституция устуворлиги, суд мустақиллиги, қонунга ҳурмат ва янги Ўзбекистоннинг хал-қаро ҳуқуқий нуфузини янада юксалтириш каби эзгу мақсадлар турибди. Конституция-вий суднинг ушбу халқаро жараёнлардаги бе-восита маъсулияти давлатнинг халқаро-ҳуқу-қий мажбуриятини бажаришдаги муҳим қадами сифатида баҳоланиши лозим.

Бугун Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқий майдондаги фаолияти фақат иштирок этиш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Мамлакатимиз ташаббус кўрсатмоқда, йирик халқаро анжуманларнинг мазмуни ва кун тартиби-ни шакллантиришда, миллий ислохотлар тажрибасини халқаро ҳуқуқий ҳамжамиятга олиб чиқмоқда. Энг муҳими, инсон қадри-ни улуглашга қаратилган ислохотларимиз умминсоний ҳуқуқий тараққиёт ғоялари билан уйғунлашиб, янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги сиёсий нуфузи, ҳуқуқий салоҳияти ва ислохотчилик иродасини янада яққол намоён этмоқда. Ушбу асосларнинг барқарорлиги бевосита Конституциявий суд томонидан таъминланадиган конституция-вий назорат ва қонунлиқлик муҳити билан мустаҳкамланади.

Хулоса қилиб айтганда, Самарқандда бў-либ ўтган мазкур нуфузли анжуман янги Ўз-бекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ

ислохотларнинг халқаро эътирофи, туркий давлатлар ўртасидаги ҳуқуқий ҳамкорлик-нинг янги босқини ва конституциявий одил судлов соҳасидаги умумий интилишларнинг амалий ифодаси бўлди.

Бугун мамлакатимизда адолат давлат сиё-сатининг марказий мезонига, инсон қадри ислохотларнинг бош мақсадига, Конститу-ция устуворлиги эса ҳуқуқий тараққиётнинг мустаҳкам пойдеворига айланмоқда.

Энг муҳими, бу жараёнларнинг барчаси мамлакатимизда амалга оширилаётган исло-хотларнинг ҳаётий кучини, сиёсий иродасини ва халқчил моҳиятини яна бир бор яққол на-моён этади. Зеро, адолатли давлат, мустақил суд, кучли Конституция ва инсон қадрини улуглашган жамият — янги Ўзбекистон тарақ-қиётининг энг муҳим ҳуқуқий ва маънавий асосидир. Ушбу асосларнинг барқарорлиги бевосита Конституциявий суд томонидан таъминланадиган конституциявий назорат ва қонунлиқлик муҳити билан кафолатланади.

2026 йил 27 май, 107-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



yuz.uz\_news

# СИФАТ ВА РАҚОБАТ МУҲИТИГА

## МОСЛАШИШ булар ЖСТнинг

# АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИДИР



Шерзод ҚУРБОНОВ, иқтисодий таҳлилчи

Жорий йилнинг 6 май куни Президентимиз Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни ва иқтисодиёт тармоқларида амалга оширилган ислохотларга бағишланган тақдирот билан танишгани жамоатчилиқда ушбу масалаларга қизиқишни янада оширди.

### Олтин мувозанат

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни алоҳида стратегик аҳамият касб этади. Бунга фақат ташқи савдо эркинлашуви сифатида баҳолаш тўғриси эмас. Чунки ЖСТга интеграция мамлакат иқтисодиётини халқаро рақобат муҳитига олиб чиқади, ишлаб чиқарувчиларнинг сифат ва самардорлиққа ундайди ҳамда бозорда табиий рақобат муҳитини шакллантиради.

Бу трансформация Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳомишга қарам моделдан юқори қўшилган қиймат яратадиган индустриал иқтисодиётга ўтишни тезлаштириши мумкин. Бугунги дунёда асосий даромад ҳомишдан эмас, балки технология, муҳандислик ва интеллектуал маҳсулотлардан шаклланимоқда. Шунинг учун мамлакат олдидаги асосий вазифа табиий ресурсларни шунчалик экспорт қилиш эмас, балки чуқур қайта ишлаб, тайёр ва рақобатбардор маҳсулотларга айлантиришидир.

Мамлакатимизда Менделеев жадалдаги деярли барча стратегик элементлар мавжуд. Энди бу имкониятларни самарали ишга солиш вақти келди. Масалан, мис, литий, уран ва нодир металллар асосида аккумуляторлар, электротехника маҳсулотлари, саноат ускуналари ва «яшил иқтисодиёт» учун зарур технологиялар ишлаб чиқариш ташқи савдо салоҳиятини бир неча баробар ошириши мумкин. Бу эса Ўзбекистонни оддий ресурс етказиб берувчи эмас, балки Марказий Осиёдаги юқори технологияли индустриал марказлардан бирига айлантириш имконини беради.

ЖСТга аъзолик мамлакатга кириб келаётган инвестициялар ҳажмини ҳам ошириши мумкин. Чунки инвесторлар, аввало, қонунлари барқарор, савдо қоидалари аниқ ва халқаро иқтисодий тизимга интеграциялашган давлатларга ишонч билдиради.

Янги Ўзбекистон феномени айнан шу жиҳатда намоён бўлмоқда: мамлакат бир вақтинчи ўзида ички ислохотлар, индустриал тараққиёт, очик иқтисодиёт ва кўп векторли прагматик ташқи сиёсатни уйғун олиб бормоқда. Бу эса келажакда Ўзбекистоннинг нафақат минтақавий, балки глобал иқтисодий аҳамиятини ҳам сезиларли даражада оширади.

Шу маънода, Ўзбекистоннинг ЖСТга интеграциялашуви нафақат ташқи савдо имкониятларини кенгайтириш, балки

иқтисодиётнинг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиши учун ҳам муҳим асос десак, тўғри бўлади.

### ЖСТга аъзолик жараёнидаги муҳим давр

Давлатимиз раҳбари танишган тақдиротда 2025 йил Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнида энг фаол ва ҳал қилувчи босқичлардан бири бўлгани қайд этилди. Мамлакатда юриштиётган очик иқтисодиёт сиёсати, ташқи савдони эркинлаштириш ва кенг қўллади ислохотлар ЖСТга интеграция жараёнини мураккаб янги босқичга олиб чиқди. Энди бу жараён фақат ташқи савдо муносабатларини тартибга солиш эмас, балки иқтисодиётни халқаро рақобат муҳитига мослаштиришнинг муҳим механизмига айланмоқда.

Тақдиротда таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзолик бўйича кўп томонлама ва икки томонлама музокаралари сезиларли фаоллашди. ЖСТ ишчи гуруҳининг икки йилгилиги ўтказилиб, ташкилот аъзоларига 200 дан ортиқ савдо юзасидан расмий жавоблар ҳамда ташқи савдо соҳасига оид ўнлаб ҳужжатлар тақдим этилди.



### Таҳлил

белгилаш амалиётинан воз кечилди. Бу иқтисодиётда маъмурий аралашувни қисқартириш ва бозор механизмларини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзолик жараёни оддий техник музокара эмас. Бу Ўзбекистон иқтисодиётини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган узоқ муддатли стратегик трансформациянинг муҳим қисми ҳисобланади.

### Ўзига хос прагматик индустриал йўл

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига кириш жараёни дунёда ўта мураккаб ва геосиёсий жиҳатдан беқарор даврга тўғри келаётди. Бугун глобал иқтисодиёт тобора геосиёсий рақобат майдонига айланмоқда. Транспорт йўлақлари, энергия ресурслари, технологиялар ва янги бозорлар учун кураш халқаро муносабатларга кучли таъсир кўрсатяпти. АҚШ — Хитой рақобати, Россияга қарши санкциялар ва Европа ҳамда Осиё ўртасидаги янги логистика занжирлари шаклланиши жаҳон иқтисодий харитасини тубдан ўзгартирмоқда.

Шундай шартларда Ўзбекистоннинг ЖСТга интеграциялашуви оддий ташқи савдо жараёни эмас, балки узоқ муддатли стратегик танлов сифатида намоён бўлмоқда. Чунки бугун давлатларнинг аҳамияти фақат ресурслар ёки ишлаб чиқариш ҳажми билан эмас, глобал савдо ва транспорт тизимида тутган ўрни билан ҳам белгиланмоқда.

Айнан шу сабабли янги Ўзбекистон ташқи сиёсатда мувозанатли ва прагматик йўлни танламоқда. Мамлакат бир вақтинчи ўзида Россия, Хитой, Европа Иттифоқи, Туркия ва Осиё давлатлари билан иқтисодий муносабатларни изчил ривожлантиришга ҳаракат қилияпти. Бу эса кўп векторли иқтисодий дипломатия мамлакат ташқи сиёсатининг муҳим хусусиятига айланганини кўрсатади.

Ўзбекистон ҳеч бир геосиёсий қарама-қаршилик марказида қатнашишни эмас, барча давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни устувор деб билмоқда. Бугунги беқарор шартларда айнан шу ёндашув мамлакат иқтисодий хавфсизлиги ва барқарор тараққиёти учун муҳим омилга айланмоқда.

### Синовлар ва ечимлар

Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик миллий иқтисодиёт олдида янги талаб ва чақирқиларни ҳам қўрққан, очик иқтисодиёт шартларида ички бозор халқаро рақобат учун очилади ва бу айрим маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун жиддий синовга айланиши табиий. Айниқса, технология, маҳсулот сифати ва таннарх бўйича рақобатбардорлиги паст бўлган корхоналар ташқи бозор босимига дуч

келиши эҳтимолдан холи эмас. Арзон импорт маҳсулотлар кириб келиши айрим маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин. Бу эса иқтисодиётни сунъий Ҳимоя қилиш эмас, балки уни реал рақобат шариоитига тайёрлаш зарурлигини кўрсатади.

ЖСТ қоидалари давлат субсидиялари ва протекционист механизмларни босқичма-босқич қисқартиришни талаб қилади. Яъни давлат қўловига ўрганиб қолган айрим тармоқларни янги иқтисодий муҳитга мослаштиришга ундайди.

Бу жараёни фақат хавф сифатида баҳолаш тўғриси эмас. Аксинча, у миллий иқтисодиётни модернизациялаш, технологик янгиланиш ва самардорлиқни ошириш учун муҳим имконият ҳамдир. Чунки бугунги глобал иқтисодиётда самарасиз ва эски бошқарув тизими асосланган ишлаб чиқариш моделлари узоқ муддат рақобатга бардор бера олмайди.

Ўзбекистондаги жадал иқтисодий ислохотлар айни шу трансформацияга тайёрлик вазифини бақармоқда. Олий таълимни трансформациялаш, рақамли иқтисодиёт ва сунъий интеллектга ўтиш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик муҳитини янгилаштириш, логистика ва инфратизимни модернизациялаш, банк ва солиқ тизими ислохотлари каби чоралар миллий иқтисодиёт рақобатбардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар стартапларини қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий савдоҳонлиқни ошириш келажакда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, замонавий иқтисодиётда давлат кучи нафақат ресурслар, балки тез мослаша оладиган ва инновацион хусусий сектор билан ҳам белгиланади.

### Тошган дарё ўзан излайди

Бугунги глобал геониктисодий ўзгаришлар шариоитида Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг келгусида бир неча баробар ўсиши учун мустаҳкам иқтисодий асослар мавжуд. Айниқса, транспорт йўлақлари, энергия хавфсизлиги, стратегик минерал ресурслар ва саноат ҳомишларига бўлган талабнинг ортиши мамлакат учун янги имкониятлар очмоқда. Шу нуқтан назардан, ташқи савдо айланмасининг икки қарра ўсиши реал иқтисодий жараён сифатида кўриломоқда.

Ўзбекистон табиий ресурслар захираси бўйича Марказий Осиёда етакчи давлатлардан бири. Мамлакат олтин, мис, уран, литий ва нодир металллар захираларига эга. Бугун «яшил иқтисодиёт» ва юқори технологиялар ривожига тўғрисида айнан шу ресурсларга жаҳон бозорига талаб кескин ортмоқда. Электромобиллар, аккумуляторлар ва рақамли техноло-

гиялар ишлаб чиқаришда бу ресурслар стратегик аҳамият касб этади. Талаб ва тақдирот эса Ўзбекистон экспорт салоҳиятини узоқ муддатли истиқболда сезиларли ошириш имконини беради.

Иккинчидан, глобал логистика йўлақлари ўзгариши Ўзбекистоннинг аҳамиятини кучайтирмоқда. Европа — Осиё, Хитой — Марказий Осиё — Яқин Шарқ ва Транскаспий транспорт йўналишларига қизиқиш ортиб бормоқда. Ўзбекистон ушбу йўналишлар марказида жойлашган давлат сифатида транзит ва логистика хабиға айланиш имкониятига эга. «Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон» темир йўли, Трансафғон лойиҳаси ва Каспий орқали Европа бозорларига чиқиб имкониятлари ташқи савдо ҳажмининг янада кенгайтиради.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда кузатилаётган академик ва таълим соҳасидаги трансформация алоҳида аҳамият касб этмоқда. Чунки келажак иқтисодиётининг асосий кучи инсон капитали ҳисобланади. Бугун қўллаб-қувватланган давлатларда демографик қарши жараёни кучайиб, меҳнат ресурслари қисқариб бормоқда. Ўзбекистон эса ёшлар улуши юқори бўлган давлат сифатида катта стратегик устуниликка эга.

Энди асосий масала ушбу демографик имкониятни юқори маалали кадрлар, муҳандислар, дастурчилар ва технологик фикрлайдиган авлодга айлантириш олишидир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, келажак иқтисодиёти замирида юқори муҳандислик ишламалари, инновациялар ва замонавий технологиялар туриши лозим. Чунки дунё иқтисодиётида асосий устунилик энди ҳомиш эмас, балки илм-фан, технология ва интеллектуал салоҳият билан белгиланмоқда.

Ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатадики, иқтисодий қудратнинг асосида айнан юқори технологияли саноат ва инновацион ишлаб чиқариш тизими туради. Жанубий Корея, Япония, Германия еки Хитойнинг иқтисодий тараққиёти, аввало, муҳандислик мактаби, саноат технологиялари ва билимли кадрлар билан боғлиқ бўлган.

Шу нуқтан назардан, Ўзбекистонда машинасозлик, электротехника, кимё саноати, энергетика ускуналари ва рақамли технологиялар соҳасида миллий ишлаб чиқариш занжирларини шакллантириш иқтисодиётни янги босқичга олиб чиқиши мумкин. Агар бу жараён Жаҳон савдо ташкилотига интеграция ва очик иқтисодиёт сиёсати билан уйғун кечса, Ўзбекистон Марказий Осиёда юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи йирик индустриал марказлардан бирига айланиши эҳтимолли ортади.

Очик иқтисодиёт янги талаб ва чақирқиларни ҳам юзата келтиради. Айрим тармоқларни модернизациялаш, рақобатбардорлиқни ошириш ва технологик янгиланишни тезлаштириш ҳаётини заруратга айланмоқда. Чунки глобал рақобат шариоитида эски бошқарув усуллари ва паст самардорликка асосланган иқтисодий моделлар узоқ давом этмайди.

Марказий Осиё давлатлари энди фақат ҳомиш экспорт қилувчи худуд сифатида эмас, саноат кооперацияси, қўшма ишлаб чиқариш ва транспорт-логистика занжирлари шакллантирган иқтисодий макон деб қаралмоқда. Минтақавий барқарор ўсиш минтақа давлатлари ўртасида рақобатдан кўра ўзаро манфаатли интеграция эҳтиёжи кучайиб бораётганини англатади.

Бугунги глобал берадорлик шариоитида янги Ўзбекистон танлаган йўл очик иқтисодиёт, тиқчилик ва тараққиёт йўлидир. Айнан шу нуқтан сиёсат мамлакатнинг халқаро иқтисодий нуфузини мустаҳкамлаш, инвестицион жойбардорлигини ошириш ва келажак авлодлар учун барқарор тараққиёт асосларини яратишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бугун Ўзбекистондаги кенг қўллади ислохотлар замирида инсон кадри, фаровон ҳаёт ва тенг имкониятлар масаласи турбиди. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ва иқтисодиётдаги ўрнини мустаҳкамлаш, билим олиши, меҳнат қилиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши ва ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун барча шароит яратиб берилмоқда.

Шу нуқтан назардан, гендер бюджетлаштириш масаласи ҳозир алоҳида аҳамият касб этмоқда. Оддий қилиб айтганда, бу бюджет маблағларини тақсимлашда эркеклар ва аёллар, йигитлар ва қизларнинг ҳаётини эҳтиёжлари, имкониятлари ва мавжуд шариоитларини инобатга олиш демакдир. Бу ўринда гап аёллар учун алоҳида бюджет тузиш ҳақида эмас. Аксинча, мавжуд бюджет сиёсати янада адолатли, аниқ манзилли ва самарали бўлиши ҳақида.

Амалиётга кўра, баъзан бир хил дастур турли тоифадаги аҳолига ҳар хил таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, касб-хунар ўргатиш, бандликни таъминлаш ёки ижтимоий хизматлар билан қамраб олиш дастурларида аёллар ва эркеклар учун бир хил имконият яратилгандек кўринади, натижада фарқлар юзгага келиши эҳтимол мавжуд. Шу боис,

бюджет сиёсатида эҳтиёжларни янада чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим.

Жаҳон тажрибасида гендер бюджетлаштиришга қизиқиш йил сайин ортиб бормоқда. Кўплаб ривожланган мамлакатларда ушбу ёндашув бюджет жараёнининг бир қисмига айланиб улгурган. Австралия, Швеция, Германия, Австрия, Жанубий Корея, Филиппин, Ҳиндистон каби давлатларда гендер таҳлили орқали давлат харажатларининг аҳоли турмушига таъсири баҳоланади.


Мамлакатимизда ҳам гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш бўйича кенг қўллади ишлар бажарилимоқда. Гендер тенгликка эришиш бўйича миллий стратегия қабул қилинди. Қонунчилик ва институционал асослар тақомиллаштирилмоқда. Бу соҳада статистика ва таҳлил ишлари босқичма-босқич кучайтирилмоқда. Энг муҳими, мазкур йўналишда давлат сиёсатининг изчиллиги таъминланмоқда. Таълим, тиббиёт, оилани қўллаб-қувватлаш,

тадбиркорликни ривожлантириш ва бандликни таъминлашда хотин-қизлар манфаатларини ҳисобга олишга тобора катта эътибор қаратилмоқда.

Албатта, ҳаётнинг ўзи айрим соҳаларда янада манзилли ёндашувларни талаб этмоқда. Масалан, ёш қизларни касб-хунарга йўналтириш, аёллар бандлигини ошириш, даромад манбаларини кенгайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш каби вазифалар долзарб бўлиб қолмоқда. Шу маънода, гендер бюджетлаштириш ушбу жараёнларни янада тизимли ташкил этишга хизмат қилади.

Биринчидан, у бюджет маблағларининг янада аниқ манзилга етиб боришини таъминлайди. Иккинчидан, давлат дастурларининг амалий натижасини яхшироқ баҳолаш имконини беради. Учунчидан, ижтимоий соҳага йўналтирилаётган харажатлар самардорлигини оширади. Тўртинчидан, хотин-қизларнинг иқтисодий фаолигини рағбатлантириш

# ГЕНДЕР БЮДЖЕТЛАШТИРИШ — АНИҚ МАНЗИЛИ САМАРАЛИ ТИЗИМ



### Ижтимоий сиёсат

орқали мамлакат иқтисодиёти ўсишига қўшимча туртки беради.

Бугун бугун дунёда иқтисодий ўсиш фақат ишлаб чиқариш ёки инвестиция билан эмас, балки инсон капитали сифати билан ҳам баҳоланмоқда. Агар аёллар ўз билими ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқара олса, бу оила фаровонлигига ҳам, жамият барқарорлигига ҳам, иқтисодиёт ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Келажакда гендер бюджетлаштириш янада самарали йўлга қўйиш учун қатор йўналишларга эътибор қаратиш муҳим. Аввало, давлат дастурларида гендерга оид кўрсаткичларни босқичма-босқич кенгайтириш лозим. Бюджет маблағларининг ижтимоий таъсирини баҳолаш усуллари тақомиллаштириш керак.

Гендер бюджетлаштириш шунчалик янги ағамга ёки назарий тушунча эмас, балки давлат маблағларини инсон манфаати йўлида янада тўғри, адолатли ва самарали йўналтиришга қаратилган муҳим амалий воситадир.

Ўзбекистонда ҳам бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилмоқда. Ислохотлар, қонунчиликдаги янгиланишлар, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий чоралар гендер бюджетлаштириш босқичма-босқич жорий этиш учун қулай шароит ҳозирламоқда.

Наргиза ЖИЯНОВА, иқтисодий фанлари доктори, профессор

Бугунги глобаллашув жараёни инсоният тараққиётининг янги босқичини бошлаб бериш баробарида у билан чамбарчас боғлиқ мураккаб ижтимоий-маданий таҳдидларни ҳам юзага чиқармоқда. Хусусан, "оммавий маданият"нинг тобора агрессивлашиб бораётган шакллари миллий идентитет, тарихий хотира ва маънавий қадриятлар тизимига сезиларли босим ўтказмоқда. Бу ҳодиса энди оддий маданий жараён эмас, балки давлат ва жамият хавфсизлигига дахлдор стратегик масалага айланиб борапти. Замонавий сиёсатшунослик ва социология назарияларида ҳам бу фикр кенг эътироф этилади.

Демак, миллий ўзлиқни англаш ва мустақамлаш ҳар қандай мустақил давлатнинг устувор вазифасидир. Шу нуқтага назардан, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида маънавий-интеллектуал тикланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки тарихий таъриба шуни кўрсатадики, ҳар қандай жамиятнинг узоқ муддатли барқарорлиги ва тараққиёти унинг иқтисодий кўрсаткичларидан кўра, маънавий асосларига боғлиқ.

Иқтисодиёт назариясида "инсон капитали" деган тушунча мавжуд бўлиб, у нафақат билим ва кўникмаларни, балки шахснинг қадриятлари, мотивацияси ва ахлоқий сифатларини ҳам қамраб олади. Демак, касб шахсининг маънавий-маданий қиёфасини шакллантирувчи муҳим омилдир.

Бу жиҳатни буюк мутафаккирларимиз меросида ҳам яққол кўриш мумкин. Масалан, Имом Бухорий ўзининг илмий фаолиятини орқали илмини маънавий покликни воситаси сифатида талқин этган. Унинг ҳадис илмидаги ёндашуви аниқлик, ҳалоллик ва масъулият принципларига асосланган бўлиб, бугунги илмий методология талабларига ҳам тўлиқ мос келади.

Алишер Навоий эса инсон камолотини тўла маънода маънавият билан боғлайди. Унинг асарларида комил инсон юксак ахлоқий фазилатларга эга шахсдир. Навоий таълимотида меҳнат, ҳалоллик, фидойилик каби қадриятлар марказий ўрин эгаллайди. Бу эса бугунги касб эгасининг идеал моделини белгилашда муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади. Шу боис, замонавий касбий таълим тизими олдда турган энг муҳим вазифа тарихий-маънавий меросни инновацион таълим технологиялари билан уйғунлаштиришдан иборат. Бугун дуал таълим, компетенцияга асосланган ёндашув, модуль тизимлари айнан шу мақсадга хизмат қилмоқда. Бироқ уларнинг самарадорлиги фақат техник кўрсаткичлар эмас, балки тарбиявий компонент билан белгиланади. Зеро, касб эгаси фақат малакали мутахассис бўлиб қолмаслиги керак. У жамиятнинг фаол фуқароси ҳамдир.

“Рухий инклюзия” тамойили

Ёшлар мафқурасини шакллантириш масаласи ҳар қандай жамият тараққиётининг энг мураккаб ва масъулиятли йўналишларидан. Бу жараёни оддий тарғибот, широк ёки озаки насихат билан амалга ошириб бўлмайди. Чунки мафқура ташқи таъсир натижаси эмас, балки ички эътиқод, онгли танлов ва қалбга сингган қадриятлар тизимидир. Демак, ёшлар билан ишлашда асосий урғу ондан ташқари, қалбга йўл топишга ҳам қаратилиши зарур. Шу нуқтага назардан қараганда, касбий таълим тизимига мафқуравий тарбиянинг янги модели — “руҳий инклюзия” тамойили алоҳида аҳамият касб этади. Бу тушунча ёшларнинг миллий қадриятлар ва мафқурага мажбурлаш билан эмас, балки уларни ичдан боғлаш, ўзлигини англашга йўналтириш орқали шакллантиришни аниқлатади.

“Рухий инклюзия”ни таъминлаш тизими ва илмий асосланган механизмлар ёрдамида амалга оширилади. Уларнинг ичда биринчи ва энг муҳим йўналиш тарихий хотира ҳамда ворисликни таъминлашдир. Ҳар бир касб, ҳар бир ҳунар ўз тарихига эга. Бу тарих авлодлар таърибаси, меҳнат фалсафаси ва маънавий қадриятлар тизими. Ўзбек заминидан етишиб чиққан буюк алломалар ҳаёти бу борада беқиёс ибрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи муҳим йўналиш — мафқуравий иммунитетни шакллантиришдир. Бугунги глобаллашув шароитида ахборот оқими мислсиз даражада тезлашди. Гибрид урушлар, ахборот хуружлари, маданий экспансия каби ҳодисалар ёшлар онгига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитда уларни ҳимоя қилишнинг энг самарали йўли ички



КАСБИЙ ТАЪЛИМДА ЯНГИЛАНАЁТГАН ТАФАККУР ВА ҒУРУР РЕНЕССАНСИ



Юксак жамият сари

мустақамликни шакллантиришдир. Психологияда бу ҳолат “мақсадли ҳаёт стратегияси” билан изоҳланади. Яъни ўз олдига аниқ мақсад қўйган, келажакни режалаштира олган шахс ташқи салбий таъсирларга камроқ берилади. Касб эгаллар, ўз ўрнини толган ёш эса маънавий бўшлиққа тушмайди. Чунки унинг ҳаёти мазмун билан тўлган.

Учинчи муҳим омил — маърифий муҳитни шакллантиришдир. Таълим муассасаси шахс шаклланидиган ижтимоий макон. Шу боис, унда яратилган муҳит бевосита ёшларнинг дунёқараши ва қадриятларига таъсир кўрсатади. Таълим муассасаларида адабиёт кечалари, театр томошалари, тарихий учрашувлар, ижодий танловларнинг тизимли йўлга қўйилиши айнан шу муҳитни шакллантиради. Замонавий педагогик ёндашувларда бу “ширини ўқув дастури” тушунчаси билан изоҳланади. Яъни ўқувчи муҳит, муносабатлар ва ижтимоий таъриба орқали ҳам тарбияланади. Демак, маънавийни шакллантириш учун махсус дарсдан кўра, тўғри ташкил этилган муҳит муҳимроқ бўлиши мумкин.



Илҳом ХОЛМУРОДОВ, Касбий таълим агентлиги директорининг маънавият ва давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси

жуда муҳим. Чунки амалий фаолиятда тилнинг реал кучи айнан техник ёзишлар, норматив ҳужжатлар орқали намоён бўлади. Агар иш юритиш тизими тўлиқ давлат тилида ишласа, бу тил нуфузини ошириш баробарида бошқарув самарадорлигини кучайтиришга ҳам хизмат қилади. Илгари сурилаётган муҳим тақлифлардан бири миллий терминология марказларини касбий таълим тизими билан чуқур интеграция қилишдир. Бу ёндашув илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида ягона тил муҳитини шакллантириш имко-

касб сирларини эгаллаш билан бирга устозининг ҳаётий таърибаси, одобини, дунёқараши ва қадриятларини ҳам ўзлаштирган. Шарқ педагогик тафаккурида бу ёндашув чуқур илмий-фалсафий асосга эга. Хусусан, Абу Наср Форобий таълим-тарбия ҳақидаги қарашларида комил инсонни шакллантиришда устознинг шахсий намунасини ҳал қилувчи омил сифатида кўрсатади. Унинг фикрича, ҳақиқий устоз билим бериши баробарида фазилатлар билан ўқувчига ибрат бўлиши лозим. Бу эса устоз-шогирд муносабатларининг

Бугун янги Ўзбекистон ўз тараққиётининг мутлақо янги босқичига — Учинчи Ренессанс сари қатъий ишонч билан одимламоқда. Бу атама шунчаки баландпарвоз гоё эмас, балки чуқур тарихий илдизларга эга, миллий ўзлиқ ва замонавий тараққиёт уйғунлигига асосланган концептуал ривожланиш модели.

миллий тафаккур асосида қайта талқин этишни талаб қилади. Педагогик амалиёт шуни кўрсатадики, ўқувчи ўз она тилида ўзлаштирган билимини чуқурроқ англайди ва уни амалиётда самарали қўллай олади.

Иккинчидан, соҳавий терминологияни тизимли равишда ривожлантириш зарур. Ҳар бир фан ва касб ўзининг аниқ тушунчалар тизимига эга. Агар бу тушунчалар

ни беради. Натигада назария ва амалиёт ўртасидаги тафовут қисқаради, билимлар узлуksизлиги таъминланади. Дунё таърибаси ҳам бу борада муҳим сабоқ беради. Масалан, Япония ёки Жанубий Корея каби давлатлар ўз миллий тилида илм-фан ва технологияни ривожлантириш орқали глобал рақобатда юқори натижаларга эришган. Улар хорижий терминологияни кўр-кўрона қабул қилиш ўрнига

моҳиятини очиб беради: билим узатилади, тарбия синдирилади. Ёшлар технологияни тез ўзлаштиради, янги билимларни қисқа муддатда эгаллай олади. Бироқ улар кўпинча ҳаётий таъриба, маънавий йўналтириш ва ижтимоий масъулият каби масалаларда таянчга муҳтож бўлади. Айнан шу нуқтада устознинг ўрни беқиёс. Чунки технология билим беради, лекин қадрият бермайди, ахборот кўпади, ammo ҳикмат фақат таъриба орқали шаклланади.

Шу боис, бугун ўқитувчиларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, уларни фақат педагог эмас, балки маънавий тарғиботчиси сифатида эътироф этиш долзарб вазифага айланмоқда. Устознинг мақоми қанчалик юқори бўлса, жамиятнинг маънавий даражаси ҳам шунчалик юксалади. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий барқарорлик ва тараққиётга хизмат қилади. Миллий тафаккуримизда кенг тарқалган “Хунар — оқар дар” деган ҳикмат бугун янгича мазмун касб этмоқда. Илгари бу ибора ахборотнинг узлуksизлиги ва давомийлигини аниқлаган бўлса, бугун у инновацион ривожланиш, билимларнинг доимий янгиланиб бориши ҳамда касбий мослашувчанликни ҳам қамраб олади. Чунки замонавий иқтисодиёт шароитида бир марталик билим етарли эмас, доимий ўрганиш ва ривожланиш зарур.

Ёшлар нафақат истеъмолчи...

XXI аср инсониятни мутлақо янги — рақамли цивилизация босқичига олиб чиқди. Энди ахборот тезлигиндан ташқари узлуksиз оқим сифатида инсон онгига кириб бормоқда. Айниқса, ёшлар ҳаёти интернет, ижтимоий тармоқлар ва мобил технологиялар билан чамбарчас боғланиб кетган. Бундай шароитда маънавий-маърифий ишларни аънавий, бир ёқлама усуллар орқали бажариш кутулган натижани бермайди. Чунки аудиторня ўзгарди. Демак, ёндашув ҳам ўзгарши шар.

“Устоз-шогирд” аънаванаси

Ўзбекистон тарихида “устоз-шогирд” аънаванаси мукамал тарбия тизими сифатида шаклланиган. Бу тизимда устоз нафақат билим берувчи, балки ҳаёт йўлини кўрсатувчи, шахсни камолотга йўналтирувчи маънавий етакчи сифатида намоён бўлган. Шогирд эса

Она тили — мустақам пойдевор

Миллий мафқураимиз, миллий қадриятларимиз ҳамда миллий маънавиятимиз ҳақида гап борар экан, шубҳасиз, тафаккур кулфининг очкичи бўлиши она тилимиз ҳақида қайғурмасликнинг иложи йўқ. “Тил яшаса — миллат яшайди.” Бу ҳикмат бугунги глобаллашув ва кескин рақобат даврида янада чуқур маъно касб этмоқда. Зеро, тил миллатнинг тарихий хотираси, маданий коди ва тафаккур шаклидир. У орқали халқ ўзлигини англайди, дунёни идрок этиб, келажакни барпо этади. Шу боис, давлат тилининг ривожига масаласи энди бевосита миллий хавфсизлик ва барқарорлик омилига айланмоқда.

Алишер Навоий “Муҳокамат ул-лугатайн” асарида туркий тилнинг бой имкониятларини илмий асосда исботлаб берган ва она тилининг нуфузини юксалтириш орқали миллий ўзлиқни мустақамлаш гоёсини илгари сурган. Навоий учун тил шунчаки ифода воситаси эмас, балки миллатнинг руҳий мустақиллиги тимсоли эди.

Бугунги янги Ўзбекистон шароитида ушбу гоёлар янги мазмун билан бойимокда. Хусусан, касбий таълим тизимига давлат тилининг тўлақонли амал қилиши қатор стратегик йўналишлар орқали таъминланиши зарур.

Биринчидан, касбий фанларни тўлиқ давлат тилида ўқитиш масаласи билимларни



тартибли, ягона ва илмий асосланган ҳолда шакллантирилмаса, билим узатишда узилишлар юзага келади. Учинчидан, касбий ҳужжат юритишнинг давлат тилида тақомиллаштириш жараёни

Фикр

Бугунги глобаллашув ва рақобат кучайиб бораётган замонда меҳнат бозорига юқори малакали, амалиётга тайёр, замонавий технологияларни пухта ўзлаштирган мутахассисларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Айниқса, саноат, ишлаб чиқариш, энергетика, ахборот технологиялари каби тармоқларда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш стратегик аҳамият касб этади. Шу нуқтага назардан, дуал таълим тизими олий таълим муассасалари билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали талабаларнинг назарий билимларини амалиёт билан уйғунлаштиришга хизмат қилади.

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ БИТИРУВЧИ УЧУН АЙНИ ЗАРУРАТ

Техника ва муҳандисликнинг иқтисодиётдаги ўрни инобатга оلسак, Тошкент давлат техника университетида дуал таълим

нечоғлиқ аҳамиятли эканини англаш қийин эмас. Дуал таълим ўқув жараёнини икки муҳитда, яъни олий таълим муассасасидаги

назарий машғулотлар ва ишлаб чиқариш корхонасидаги амалий фаолият асосида ташкил этиш тизимидир. Унинг моҳияти шундаки, талаба бир вақтнинг ўзида ҳам билим олувчи, ҳам ишчи сифатида фаолият юритади. Бу эса унинг касбий кўникмалари, меҳнат интизоми ва жамоада ишлаш қобилиятини шакллантиради.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда саноатни диверсификация қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш каби жараёнлар юқори малакали муҳандис ва техник мутахассисларга эҳтиёж янада оширди. Бу борада университет қатор йирик саноат корхоналари билан алоқаларини йўлга қўйган. Улар талабаларимиз учун амалиёт ўташ, дуал таълимни ташкил этиш, илмий тадқиқот ишларини ўтказиш ва келгусида ишга жойлашиш имконини беради.

Жорий ўқув йилида университетимизни 5366 талаба тамомламоқда. Ўқув-услубий кенгаш

хулосасига кўра, мазкур ўқув йили давомида куннинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳридаги корхоналарда муддатидан аввал амалиёт ўташ тадбири ташкил этилди. “Келажакка қадам” дастури доирасида битирувчи курс талабаларимизнинг 22 та лойиҳаси молиялаштирилиб, умумий қиймати 1 миллиард 675 миллион сўмни ташкил этди.

Университетнинг корхоналар ҳузурнда 52 та кафедра филиаллари тўғрисида тўғри ташкил этилган. Ушбу жараёнга 2006 талаба жалб этилган. Ўқув йилининг 151 турдаги мутахассислик фанларидан амалий ва лаборатория дарслари бевосита ушбу корхоналарда ташкил этилиб, машғулотлар замонавий ускуналар, технология линиялар ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси асосида ўтилмоқда. Бу эса талабаларнинг касбий компетенциясини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Масалан, “Бўжа фотоэлектр станцияси” ҳудуди Тошкент давлат техника университети ҳамда Хитойнинг “China Datang” компанияси билан ҳамкорликда “Яшил энергия технологиялари ва дуал таълим маркази” ташкил этилди. Бу каби марказлар дуал таълимга янги мазмун бахш этади.

Дуал таълим битирувчиларнинг иш билан таъминланиш кўрсаткичини сезиларли

Бугунги ёшлар ахборотни фақат истеъмол қилмайди, уни яратади, улашади, қайта талқин қилади. Шу боис, маънавиятни ҳам энди статик тушунча деб бўлмайди. У динамик, интерактив ва рақамли шаклга эга бўлиши зарур. Бу жараён илмий адабиётларда “рақамли трансформация” деб аталади ҳамда иқтисодиёт қаторида маданият ва тарбияга ҳам бевосита таъсир этади.

Ҳозир ижтимоий тармоқлар ёшлар онгига энг кучли таъсир кўрсатувчи ахборот манбаларига айланган. Агар миллий қадриятлар айнан шу майдонда креатив, замонавий ва жозибадор шаклда тарғиб қилинмаса, бу бўшлиқни бошқа, кўпинча ёғ гоёлар эгаллаши мумкин. Шу боис, миллий контент яратиш масаласи стратегик аҳамият касб этади. Бу контент визуал ва эмоционал жиҳатдан ҳам таъсирчан бўлиши керак. Масалан, қисқа видеоларлар, анимациялар, подкастлар, блоглар орқали тарихий мерос, миллий қадриятларни ёшлар тилида ифода этиш мумкин. Бу эса маънавиятни қизиқарили ва жозибадор жараёнга айналтиради.

Яна бир муҳим йўналиш — ватанпарварликнинг амалий моделини шакллантиришдир. Назарий тарғибот ўз-ўзинча етарли эмас. Ёшлар учун “Ватан севгиси” тушунчаси аниқ амалий фаолият орқали англашилса, у барқарор эътиқодга айланади. Шу маънода, “Ватан севгиси — амалда” тамойили долзарб аҳамият касб этади. Бу борада волонтерлик ҳаракатлари, экологик акциялар, ижтимоий лойиҳалар, маҳалла ташаббуслари катта имконият яратяди. Масалан, ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишдаги иштироки уларнинг фуқаролик позициясини мустақамлашди.

Шунингдек, рақамли тарбия тизимини шакллантириш ҳам маънавий қадриятларни замонавий технологиялар орқали ёшлар онгига синдиришга хизмат қилади. Мобил иловалар, интерактив платформалар, гамификация элементлари асосида яратилган дастурлар бу борада самарали восита бўла олади. Замонавий таълим назарияларида бу жараён “edutainment” (education + entertainment), яъни ўйин орқали ўқитиш концепцияси деяр эзоҳланади. Бу ёндашув ёшларнинг қизиқишини оширади, уларни фаол иштирокчи сифатида жалб этади ва билимни онгли равишда ўзлаштиришга ёрдам беради. Масалан, тарихий шахслар ҳаётига бағишланган интерактив ўйинлар ёки касбий кўникмаларни ривожлантирувчи симуляторлар ёшлар учун бир вақтнинг ўзида ҳам билим, ҳам тарбия манбаи бўлиши мумкин. Бундан ташқари, рақамли муҳитда “ахборот гигиенаси”ни шакллантириш ҳам муҳим. Чунки ахборот қўлини шароитида тўғри ва нотўғри маълумотни ажрата олиш қобилияти замонавий маънавиятнинг ажралмас қисмидир.

Келажак илмли авлод қўлида

Бугун янги Ўзбекистон ўз тараққиётининг мутлақо янги босқичига — Учинчи Ренессанс сари қатъий ишонч билан одимламоқда. Бу атама шунчаки баландпарвоз гоё эмас, балки чуқур тарихий илдизларга эга, миллий ўзлиқ ва замонавий тараққиёт уйғунлигига асосланган концептуал ривожланиш модели. Зеро, инсоният тарихида юз берган ҳар бир ренессанс, аввало, тафаккур уйғониши, маънавий янгиланиш ва илм-фан тараққиёти билан белгиланади.

Марказий Осиё ҳудуди эса аллақачон икки буюк ўйғониш даврини бошдан кечирган. Бугунги Учинчи Ренессанс эса тарихий меросни замонавий тараққиёт билан уйғунлаштиришга қаратилган. Унинг асосий таянчи — билими, касб-ҳунар эгаллаган, мустақил фикрлайдиган ва энг муҳими, юксак маънавиятли ёшлар. Чунки ҳар қандай буюк ўзгаришлар марказида инсон омили туради. Агар инсон баркамол бўлмаса, касбий таълим тизимидagi янгиланишлар — дуал таълим, замонавий стандартлар, ишлаб чиқариш билан интеграция — барчаси инсон салоҳиятини рўбega чиқаришга хизмат қилмоқда. Бироқ бу жараённинг энг муҳим жиҳати шундаки, унинг руҳи ва мазмуни маънавият билан суғорилган бўлиши шар. Чунки фақат техник билимга асосланган тараққиёт барқарор бўла олмади. Маънавий асос бўлмаган жамиятда ривожланиш мувозанатини йўқотади.

Орипжон ЗАРИПОВ, техника фанлари доктори, профессор



# Бўлгин зўрдан зўр, ўғлон!

Болалигимдан футбол мухлисман. Ўзим ҳам спортчи эдим, қўл тули бўйича вилоят терма жамоасида ўйнардим. Уша пайтда "Пахтакор" жамоаси ўйинчиси Биродар Абдураимов машҳур, мени эса "мактабимизнинг Абдураимови" дейишарди.

Умирлик, ёшлик йиллари, ундан кейин ҳам дунё чемпионатларида, гарчи бирорта ўзбек йигити таркибига киритилмаган бўлса ҳам, собиқ иттифоқ терма жамоаси ўйинларининг ҳаммасини кўрардик, куйиб-ёниб ишқибозлик қилардик.

Энди жаҳон яшил майдонларида ўзимизнинг қорақўзларимиз Ўзбекистон халқи, Президентимизнинг ишончини оқлаб, мустақиллигимиз зафарли одимларини намойиш этиб, дунёвий эътирофларга сазовор замонавий футбол намойиш этаётганини, кетма-кет жаҳоний аҳамиятга эга ютуқларга эришаётганини кузатиш нечоғлиқ фахрли, қувончли эканини сўзда ифодалаш қийин.

Куйидаги сатрлар шу туйғулардан қатра, ҳолос.

Олқишлайди миллионлар,  
Чемпионим — ҳур ўғлон!  
Янги Ўзбекистондек  
Кўксинг кериб тур, ўғлон!

Ҳакам ҳуштагин чалар,  
Ўзбек — халқ қўл кўтарар —  
Дунё дуога тўлар:  
"Бўлгин зўрдан зўр, ўғлон!"

Сенда кибру ҳаво йўқ,  
Найранг қилиб теп тўпни,  
Кўксинг тўла гайрат, чўғ  
Юзларингда нур, ўғлон!

Гурури Осиёсан,  
Аждодлари доносан,  
Рақибларинг хатосин  
Ғалабага бур, ўғлон!

Айлантириб теп тўпни,  
Найранг қилиб теп тўпни,  
Ҳайратлантириб кўпни,  
Заргарона ур, ўғлон!

Кўркувга ҳеч ёндашмай,  
Зўр синовда энгашмай,  
Жиззакига тенгашмай,  
Йўлинг ўнгга бур, ўғлон!

Шердек гувраб боргин-да,  
Рақиб тўрин ёргин-да!  
Ўз дарвозанг олдида  
Қоятошдек тур, ўғлон!

Донг чиқармас ёлғиз от,  
Ҳамжиҳатлик — куч, сабот,  
Марказ, ўнгу чап қанот  
Шиддатингга жўр, ўғлон!

Шараф ерда ётмайди,  
Наслинг — кўрган, кўнглинг тўқ,  
Мардлар ортга қайтмайди,  
Фақат олға юр, ўғлон!

Халқнинг орзу-ўйларин,  
Бир асрлик сўрагин —  
Шарқнинг футбол йўлларин  
Буюгини қур, ўғлон!

Сен саҳий элга фарзанд,  
Бағрикенгсан, серҳиммат,  
Шоҳсупаларда фақат  
Доим ғолиб тур, ўғлон!

Юзларингда нур, ўғлон!  
Кўксинг кериб тур, ўғлон!  
Фақат олға юр, ўғлон!  
Бўлгин зўрдан зўр, ўғлон!

Муҳтарама УЛУҒОВА

Дастурнинг умумий йиллик мукофот фонди 240 минг долларни ташкил этади. Бош соврин соҳиби 50 минг доллар билан тақдирланади. Бу юртимиз тарихида китобхонлик бўйича энг салмоқли мукофот бўлади.



XXI асрда давлатларнинг рақобатбардошлиги инсон капитали сифати билан белгиланапти. Бугун халқларнинг бойлиги интеллектуал салоҳияти, яъни жамиятнинг фикрлаши, таҳлил қилиши, инновациялар яратиши ва тез ўзгараётган дунёга мослаша олиш қобилияти билан баҳоланмоқда. Шу боис, мутолаа маданиятига энди фақат гуманитар масала эмас, балки миллий тараққиётнинг муҳим омил, инсон капитали, давлат барқарорлиги ва иқтисодий тараққиёт билан бевосита боғлиқ стратегик йўналиш сифатида қаралапти.

## Муносабат

# ЭНГ БУЮК УСТОЗ, БЕҚИЁС ҲАЗИНА



Азамат КАМОЛОВ,  
Мақтабгача ва мақтаб таълими  
вазирлиги бошқарма бошлиғи

Тараққиётга эришган барча жамиятлар, аввало, интеллектуал юксалиш босқичидан ўтган. Юқори мутолаа маданияти инсонда танқидий фикрлашни шакллантиради, дунёқарашни кенгайтиради, мустақил қарор қабул қилиш ва билим олиш қобилиятини оширади. Китобхон жамият радикализи, ахборот манипуляцияси ва ижтимоий таназулга камроқ мойил бўлади. Зеро, китоб нафақат билимли инсонни, балки етук фуқарони ҳам тарбиялайди.

Замонавий дунёда мутолаанинг аҳамияти янада ортиб борапти. Рақамли технологиялар асри улкан ахборот оқимини яратди. Аммо парадокс шундаки, бу маълумотларни чуқур англаш даражасини пасайтирди. Ана шундай шароитда мутолаа маданиятини



қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати мамлакатнинг интеллектуал хавфсизлиги масаласига айланапти.

Бу бежиз эмас. Ривожланган мамлакатлар мутолаани узоқ мuddатли тараққиёт стратегиясининг муҳим қисми сифатида кўради. Жанубий Корея, Сингапур, Финляндия, Япония каби давлатлар технологик етакчиликка, аввало, таълим ва китобхонликка юксак эътибор орқали эришган. Чунки инновацион иқтисодиёт завод ёки технологиялар билан эмас, балки инсоннинг фикрлай олишга ўрганиши ва янги ғоялар яратиб олиш қобилиятидан бошланади.

Ўзбекистонда ҳам мутолаа маданиятини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилган. Юртимизда китоб саноати, кутубхона тизими ва ёшлар ўртасида китобхонликни оммалаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуи шакллантирилди. Асосий йўналишлардан бири сифатида кутубхона тизимини модернизация қилиш, китоб фондиди кенгайтириш, электрон

“Замонавий дунёда мутолаанинг аҳамияти янада ортиб борапти. Рақамли технологиялар асри улкан ахборот оқимини яратди. Аммо парадокс шундаки, бу маълумотларни чуқур англаш даражасини пасайтирди. Ана шундай шароитда мутолаа маданиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати мамлакатнинг интеллектуал хавфсизлиги масаласига айланапти.

кутубхоналар ва рақамли таълим платформаларини ривожлантириш ишлари бажарилмоқда.

Давлат бадий, илмий-оммабоп ва бола-лар адабиётини нашр этиши, шунингдек, жаҳон адабиётининг энг сара асарларини ўзбек тилига таржима қилишни фаол қўллаб-қувватлаштириши. Буларнинг барчаси нафақат китоблар оммабоплигини ошириши, балки мутолаа жамият ҳаётининг табиий қисмига айланидиган тўлақонли интеллектуал муҳитни шакллантиришга хизмат қилапти.

Бу жараёнда "Ёш китобхон" танлови алоҳида ўрин тутади. Ушбу лойиҳа мамлакат ёшлари ўртасида энг йирик маърифий ташаббуслардан бирига айланган, китобхонликни нуфузли интеллектуал қадрият сифатида шакллантиришда катта ўрин тутмоқда. Танлов орқали ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари, Шарқ мутафаккирлари мероси қамраб олинган бўлиб, ёш авлодда билим, тарих ва миллий маданиятга чуқур қизиқиш уйғотиш мақсад қилинган.

Президентимиз жорий йил 22 май кунини Халқаро конгресс марказида Ўзбекистонда китобхонликни ривожлантириш бўйича умуммиллий ҳаракатга старт бериш маросимида иштирок этди. Мазкур йўналишнинг давлат ва жамият учун нақадар муҳим экани тадбирда намойиш этилган махсус видеороликда яна бир бор ётқин очиб берилди.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, сунъий интеллект асрида одамзоднинг энг катта устулиги мустақил фикрлай олиш қобилиятидир. Китоблар бу йўлда энг яхши дўст ва

бегараз кўмакчи. Биз янги Ўзбекистонда мутолаа маданиятини, китобга эътиборни давлат сиёсати даражасига кўтараямиз. Зотан, китобхонлик фақат таълим масаласи эмас, балки миллигимиз, халқимизнинг келажаги, мамлакат рақобатбардошлигини таъминлайдиган беқиёс маънавий куч.

Таъкидланганидек, бу табаррук заминдан етишиб чиққан Имом Бухорий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий ва Мирзо Улуғбек сингари мутафаккир зотлар бутун инсоният учун устозга айланган. Уларнинг энг буюк устози эса беқиёс ҳазина — китоб бўлган. Юртимизда ана шу мерос ва замон талабларидан келиб чиқиб, китобхонликни кенг оммалаштиришга қаратилган "Миллий китобхонлик ҳаракати" дастури бошланмоқда. Энди ҳар йили мазкур тадбирнинг финал босқичи Президент даражасида ўтказилади. Дастурнинг умумий йиллик мукофот фонди 240 минг долларни ташкил этади. Бош соврин соҳиби 50 минг доллар билан тақдирланади. Бу юртимиз тарихида китобхонлик бўйича энг салмоқли мукофот бўлади. Энг муҳими, мазкур ҳаракат мамлакатимиз ҳудудларини қамраб олади. Танловда умумтаълим мактабларининг барча синф ўқувчилари иштирок этади.

Ҳозирги рақамли технологиялар ривожланган даврда боланинг шаклланиш жараёнида китобга меҳр уйғотиш жуда муҳим. Президентимиз ушбу ташаббус мактаблар, оилалар ва бутун жамиятга китобхонлик муҳитини куचाптириш, ёшлар қалбиде янги бунёдкорлик руҳини уйғотишга хизмат қилишини таъкидлади.

# "ТАБИАТ ҚҲЙНИДА КИТОБХОНЛИК"

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ФАОЛ МУТОЛАА ЙЎЛИДА БИРЛАШТИРМОҚДА

Бугунги глобаллашув ва ахборот оқими тезлашган даврда аҳолини, айниқса, ёшларни китобхонликка жалб қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Чунки китоб ўқимайдиган инсоннинг маънавий иммунитетини сусаяди, фикрлаш доираси тараяди ва турли ёт ғояларга таъсирчанлиги ортади. Китоб мустақил фикрлашга, эзгулик ва маърифатга етаклайди.

Китобхонлик, аввало, оиладан бошланади. Отана китоб ўқиса, фарзанд ҳам унга меҳр қўяди. Уйда китоб жавонининг бўлиши, фарзанд билан биргаликда мутолаа қилиш, ўқилган асар ҳақида суҳбатлар ташкил этиш ёшларда ўқишга қизиқиш уйғотади.



Ташаббус

Шу маънода, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани ҳокимлиги ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинимас ҳамкорлигида ташкил этилган "Табиат қўйнида китобхонлик" лойиҳасини жамоатчилик

алоҳида қизиқиш билан кутиб олди. Мазкур лойиҳа дастлаб қорақалпоғистонлик ёшлар, депутатлар, қорхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган маънавиятга масъул ходимлар иштирокида ўтказилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китоб мутолааси

маданиятини кенг тарғиб қилиш, китобхонлик муҳитини яратиш ва маънавий-маърифий ҳаётга янгича руҳ бағишлаш билан бирга бугун долзарб аҳамият касб этаётган экология ва атроф-муҳит муҳофазасига онли муносабатда бўлишга даъват этишдан иборат.

Мусаффо ҳамда ҳушманзара табиат, эркин муҳит инсон қалбига алоҳида шукҳ бахш этиб, китоб мутоласига иштиёқни оширади. Лойиҳада иштирок этаётган ёшлар сеvimли асарлари ҳақида фикр алмашмоқда. Шерлар ўқимоқда. Китоблар юзасидан муҳокамалар ташкил этмоқда. Айниқса, жамоатчилик фаолларининг ушбу ташаббусдаги қизгин иштироки лойиҳанинг кенг омма орасида тарғиб қилинишга катта ҳисса қўшади. Ижтимоий тармоқларда лойиҳа ҳақидаги ижобий фикрлар, видео ва фотолар ҳақида кенг тарқалаётгани эса унинг аҳамияти ҳамда таъсир доираси тобора кенгайиб бораётганидан далолат.

Бугун мазкур лойиҳа Беруний туманида ўзига хос маънавий ҳаракатга айланган. Барча маҳаллалар, овуллар, таълим муассасалари ҳамда ташкилотларда ушбу ташаббусни давом эттириш бўйича тақлифлар кўпаймоқда. Бу эса халқимиз, айниқса, ёшлар орасида китобхонликка эҳтиёж ва қизиқиш тобора ортиб бораётганини аниқлатади.



Пардағул РАЗЗОҚОВА,  
Республика Маънавият ва  
маърифат маркази Беруний тумани  
бўлинимаси раҳбари

Инсоният тарихига назар ташласак, ҳар бир юксалиш, ҳар бир цивилизация ва буюк кашфиётлар замирида илм, маърифат ва китоб турганини кўраемиз. Китоб — энг яқин дўст, маънавий устоз ва ҳаёт йўлини ёритувчи нур. У туйғули инсоннинг фикрлаш қамрови кенгайди, ҳаётга муносабати ўзгаради. Шу боис, китобхонлик маданиятини ривожлантириш ҳар қандай жамиятнинг маънавий тараққиёти учун муҳим.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока"  
газеталари таҳририяти) ДМ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546.  
30761 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Одсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов  
Мусахҳи: Насиба Абдуллаева  
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилимиз:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй